

ОЙДИННИСО ЙҮЛДОШЕВА

ҲАДЕМАЙ  
ОНА  
БЎЛАСИЗ

БИРИНЧИ КИТОБ

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2005

51, 1 (55)4 Она мік ве баласа мік  
мужоғоза күлеми

Ушбу китоб, ишинаверинг, сиздек азиз аёлнинг сирдоши дўсти.  
У сизни баҳтли, соглом ва гўзал она бўлиши сирларидан воқиф  
этади.

Китобча сиз билан нафакат ҳозир, кейин ҳам ҳамсуҳбат  
бўлишига тайёрлигини унумтманг.

Тузувчи:  
Ойдиннисо ЙўЛДОШЕВА

Тақризчи:  
Галина ШЕРБИНА, акушер-гинеколог

Ю 32978  
0/Т

ISBN 5-633-01846-X



© Ойдиннисо Йўлдошева. «Ҳадемай она бўласи».«Янги аср авлоди». 2006 йил.

БАХТЛИ ОНА  
БҮЛИШ СИРЛАРИ



## ОНА БҮЛИШГА ТАЙЁРМИСИЗ

Эҳтимол, савол сизга жуда оддий туюлаётгандир... Лекин, бўлажак онажонлар, бу саволни ўзингизга бериб кўринг-чи? Сиз «албатта» дея холис жавоб бера оласизми?

Ҳар бир аёл она бўлишни орзу қиласи. Аммо аслида ҳам шундайми? Руҳшуносларнинг баъзи мулоҳазаларига кўра, бўлажак оналар ҳомиладорлик ва туғиш давридаги қийинчиликлар, муаммолар туфайли бола тўғрисидаги қарорни қабул қилишда иккиланиб қолишлари ҳам мумкин экан.

### *Бола, албатта, керак*

Ҳомиладорлик ва туғруқ жараёни — ҳар бир аёл ҳаётидаги энг оғир ва ҳаяжонли давр. Организмдаги гармонлар алмашинуви, турмуш тарзининг ўзгариб кетиши ва атроф-муҳит билан муносабатлар сизни озигина қийнаб қўйиши мумкин.

Аслида-ку, фарзанд кўриш ҳар қандай истак ва мақсадлардан холи неъмат. Бироқ бошқача ҳам бўлиши мумкини?..

Келинг, бўлажак оналардан ғайритабии тарзда «Фарзанд кўришдан мақсадингиз нима?» деб сўраб кўрайлик. Турли жавоблар олишимиз аниқ. Аксарият аёллар: «Мен оналик баҳтини ҳис қилгим келади», дейишади. Бу жуда чиройли қарашиб, худди қўйидагилар каби:

- Менга мен севадиган ва мени ҳам ҳаққоний севадиган яқин одам керак.
- Менинг ким учундир ташвишлангим, кимнидир севгим, кимгадир ўз меҳримни сарфлагим келади.
- Бу менинг оиласи учун муҳим. Эрим (қайнонам, қайнотам, бувим) чақалоқни орзу қиласи.

— Ўғлым (қизим) ҳамиша укача ёки сингилча келтириб беришимни сўрайди.

Бола дунёга келтириш борасидаги энг тўғри қараш — бу боланинг ўзи ўзи учун туғилишидир.

Түғилажак янги одамча сизнинг ҳаётингизга нимадир олиб келиши асло муҳим эмас. Сиз ер юзига яна бир янги инсон ҳадя этиш учун туғингт.

### **Хоҳишларингизга қулоқ солинг**

Она бўлиш мўъжизанинг ўзи. Ахир, аёл вужудингизда нимжонгина ҳаёт учқуни ҳаракатга келади.

Рұҳшунослар нуқтаи назарича, она бўлишга тайёргарлик шахсий жавобгарликни ҳис қилишга жуда боғлиқ экан. Ҳомиладор аёлларга: «Ҳомиладорликда келиб чиқадиган соғлик билан боғлиқ муаммоларга ким айбдор?» деган савол билан мурожаат қилинганда, ҳаммаси бир овоздан: «Шифокорлар» деб жавоб беришган. Албатта, бу гапда ҳам маълум бир маънода мантиқ бор. Ҳомиладор аёл ҳар доимигига ўхшамаган лоҳасликларидан қандай қутулиш, қанақа дорилар ичиш (умуман ичиш керакми?), қачон қайси тартибда иш тутишни билмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда шифокорга мурожаат қилишга, унинг кўрсатмалари билан иш тутишга мажбур. Улар эса ушбу муаммоларга сабаб экологиянинг ёмонлиги, ирсият, оғир турмуш тарзи, ишдаги заرارли шарт-шароит, компьютерлар ва ҳоказолар деб биладилар. Бир сўз билан айтганда, ҳеч ким ўз муаммоларига ўзини айбдор деб билмайди-да. Сиз бўлажак оналар эса айнан мана шу аҳволингизда соғлигингиз учун жавобгарликни ўз зиммангизга олинг. Чунки ҳеч ким, ҳатто ишонган энг зўр шифокорингиз ҳам сизнинг аҳволингизни сизчалик ҳис қила олмаслиги мумкин. Қачон ухлаш, қайси пайтда сайрга чиқиш, қандай ейиш — буларни ўз хоҳишнингизга кўра бажаринг. Ечими топилмайдиган саволга дуч келганингиздагина шифокорга мурожаат этинг.

Ҳомиладорлик пайтида организм ташқи ва ички сигналларни жуда аниқ илгаб олади. Таъмга бўлган майлар алмашуви, уйқучилик, таъсиручанлик ва ҳоказолар ҳозир сизнинг ҳаракатларингиз бошқарувчисидир. Компьютерга қарай олмаяпсизми? Тезда у билан ишлашни тұхтатинг. Үз организмингизни асранг. Бошқачароқ қилиб айттанды, ичкаридаги хоҳишлиниңизга қулоқ солинг.

### *Сиз ким (німа)дан қўрқаяпсиз*

Түғиши яқинлашган пайтда бўлажак она туғруқхона танлайди. Балки сиз ҳам туғруқдан сўнг она ва боланинг алоҳида ётилиши таъсис этиладиган туғруқхонани кўзда тутгандирсиз? Мақсад оддий: қандай қилиб бўлмасин она дам олиши керак. Ўйлаб қўринг-а, тўққиз ой онанинг қорнида ётиб, она билан бирга нафас олган бола оналик меҳрини, ўпич ва эркалашларни согинмайдими? Аммо баъзида ёш оналар чақалоққа зиён етказиб қўйишдан қўрқиб, уни ишончли одамлар қўлига топширишни маъқул кўрадилар.

Руҳшунослик ўсмир қизларнинг чақалоқлар билан муносабати ва онанинг ўз боласини парваришилашдаги қўрқуви ўртасидаги боғлиқликни аниқлайди. Агар 10-14 ёшли ўсмир қиз бола парваришилашни эпласа, у ўз чақалогини ҳам қўрқмасдан қўлига оларкан. Очиқ-оидин қўриниб турган бу боғлиқлик сизга ўз ҳис-туйғуларингизни бошқариш учун калитдир. Ҳаракат қилсангиз, ўзингиздаги қўрқувга ўхшашиб туйғулардан халос бўласиз. Муаммоларга шундай муносабатда бўлиш сизга ҳам, болангизга ҳам фақат фойда келтиради, холос.

### *Мўжизалар мўжизаси*

Она бўлишга тайёргарлик даври аёл ҳаётининг энг бахтиёр ва ҳаяжонли кунлариdir. Бу сизга табиатнинг ҳарлаҳзасига севинч яширинган тұхфасидир. Үнүтмангки, фарзанд кўриш — аёл зиммасидаги энг шарафли вазифа.

Физиологик (табиий) тутруқ дүнё миқиёсидаги мәдицина ноаниқликларининг оддини оладиган ягона устубдир. Түғиш жараёнида «спектаклда бош ролни ўйнашта» құрқманг, үзингизга ишонинг.

## БАХТЛИ ЛАҲЗАЛАР

Фарзанд кутаяпсизми? Ҳаётнинг ҳақиқий таъмини туядиган, чинакамига яшайдиган пайтингиз келди. Энди сиз түғилажак фарзандингиз учун ҳаёт манбаисиз. Энди қорнингиздаги мурғаккина қүёшчага парвона бўлиб умрингиз ўгади, тўққиз ой икки киши учун яшашингизга тўғри келади. Ҳаётингиз мазмуни бўлмиш болажонингизнинг ҳаяжони, қўрқуви, қувончи ёки тушкунликка тушиши сизнинг үзингизни қандай ҳис қилишингизга боғлиқ. Ҳаётингизни жуда гузал қилиб ўтказишга ҳаракат қилинг, ўз соғлигингиз тўғрисида қайғуринг, ички туйғуларингизни тарбиялаб, үзингизда кўтаринки кайфият ҳосил қилинг, ҳаётта қизиқиш билан қаранг. Шундагина болангиз яхши ривожланади ва ўзини севимли ҳис этади.

Келинг, ўзимиз тўғримизда қайғуришни ётоқхонадан бошлаймиз.

### *Нўҳат устида ухлаётган малика*

Ҳа, ҳомиладор аёл ўзини худди шундай ҳис этади. Қандай қилиб ётмасин, қайси тарафга бурилмасин, ярим кечагача уйқуси келмайди. Бу сизга ҳам таниш ҳол, шундайми? Афсуски, уйқусизлигингиз болага заرارлидир. Бўлажак она тинч ухлаб, яхши дам олиб, эрталаб тетик руҳ билан уйғониши шарт. Ҳомиладорлик пайтида эса уйқу дори ичиш ман этилган, шунинг учун яхши дам олишга шарт-шароитни ўзингиз яратиб олинг. Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ, бизнинг қўйидаги тавсияларимизга амал қилиб қўринг-чи...

**Үйқудан олдин.** Тоза ҳавода сайр қилинг. Мойчек чак дамламаси ёки асал солинган сут ичинг.

**Ётоқхона.** Хона яхши шамоллатилган, ўргача ҳароратли ва намлиги баланд бўлиши керак. Телевизор, компьютер каби нарсаларни бошқа хонага чиқаринг.

**Тўшак.** Тўшагингиз қаттиқ ҳам, юмшоқ ҳам эмас, ўргача бўлиши керак. Энг муҳими, ўзингизга қулай бўлсин. Чойшаблар пахтали матодан тикилган бўлиши керак. Бўлажак онанинг ёстиқлари эса кўп бўлиши керак, улар сизнинг қулай жойлашишингизда ёрдам беради.

**Ётиш ҳолати.** Ҳомиладор аёл учун ёнбош ҳолатда ётиш тавсия этилади. Осмонга қараб ётганга нисбатан бу ҳолатда она-боланинг томирларида қон айланиши нормал ҳолатда бўлади.

Энди эса яхши ётиб туринг! Ва...

Хайри тонг! Ўйлашимизча, бу гал яхши дам олдингиз. Тўшакдан бирданига туриб кетманг, бошингиз айланиши мумкин. Организмингизга тўлиқ уйрониб олиши учун имкон беринг. Айрим оналарда токсикоз бошланган бўлиши мумкин — кўнгил айниши, оғиздан сув оқиши, баъзида эрталабдан қайт қилиш. Эрталаб истеъмол қиласидан озуқаларингиз таркиби оқсил моддасига бой бўлишига эътибор беринг: тухум, творог, пишлоқ, қаттиқ. Буларни иссиққина пидана ёки мойчечак чойи билан есангиз, иштаҳангиз очлади. Агар эрталабдан бирор нима еб олмасангиз, кун бўйи иштаҳангиз ўди, деяверинг. Айрим оналар токсикоз пайтида умуман овқат емай қўядилар. Сиз асло бундай қила кўрманг. Озоздан тез-тез еб туришга ўзингизни чорланг. Ўйингизда ҳамиша мевалардан бирор хили, сабзи, ёнроқ ёки йогурт каби нарсалар турсин. Организмингизга қулоқ тутинг, унинг ўзи сизга нималар истеъмол қилиш кераклигини айтади. Лекин бу нима хоҳласам, ейишим мумкин экан, ҳаммаси боланинг истаги билан бўляяпти, дега-

ни эмас. Қанд, булочка, пирог каби нарсалардан бироз ўзингизни тийишингизга тұғри келади. Сизде шириналыклар ейишга иштиёқ туғылған бўлса, офтобда қуристилған ширин мевалар ёки соклар билан ўрнини босинг.

### *Нишон тақиши шартмикин...*

Агар шаҳарда яшасангиз, жамоат транспортларига чиқишига мажбурсиз. Бунда сиз ҳар хил ҳолатлар билан түқнаш келасиз: кимгәдир урилиб кетиш, қаттиқ гаплар, баъзан эса очиқасига сўкинишлар. Бу муаммо ҳамма халқда ва ҳамма жойда мавжуд. Қариялар, ҳомиладор аёллар ва болаларга нисбатан бўлған муомалаларда туғилаётган саволлар бутун дунёда ечимини топган эмас. Автобус, троллейбус, трамвай, метро ва бошқа одам кўп йигриладиган жойларда бундай ҳолатлар ҳамиша бор. Шундай бўлса ҳам одатда ҳомиладор аёлларга жой берилади. Кўпинча ўз бошидан ўтказган катта ёшли кишилар ғамхўрлик қиласидар. Аммо ҳали қорнингиз кўринарли даражада бўртмаган ёки у кенг либосингиз ортида яширингандар турсаю, сизни токсикоз қийнаётган бўлса-чи, у ҳолда ўзингизни қандай тутасиз?

Айтишларича, Британиядаги метрополитенда ишчилар вазиятта аниқлик киритиш учун фарзанд кутаётган аёлларга «Мен ҳомиладорман» деб ёзилған нишон тақиб қўйғанлар. Ва яхши натижага эришганлар. Одамлар уларга жой берга бошлаганлар.

Қисқаси, бизда ҳам ҳазилкаш аёллар бу усулини қўлласалар яхши натижаларга эришишлари мумкин. Аммо сиз нишон тақишига уялишингиз табиий. Шунинг учун бошқачароқ усулини қўллаб кўринг-чи? Қўлингизга «Ҳадемай она бўласиз» ёки «Ҳомила тарбияси» каби китобларни ушлаб турингда, йўлини топиб, ўтирганларга сарлавҳасини кўрсатиб қўйинг. Бу усул жуда яхши қабул қилинса ажаб эмас.

Айрим оналар одамлар ўзлари сезиб қолиб жой бермагунича кутиб туришади. Билингки, ҳомиладорлик қатыятысизликни эмас, ўзингиз ва қорнингиздаги попапонингиз учун қулай шароит яратиб олишингизни талаб қиласи.

Энг қийини, ўтирган тақдирингизда ҳам бошингиз айланиб, кўнглингиз айниб қолиши мумкин. Сумкангизда ҳамиша бирор ҳидли нарса — пидана мойи, лимон кабилар турса, ҳидласангиз, сизни хавотирга солаёттан хавф ўтиб кетади. Бу мақсадда асло атир ишлатада кўрманг, ҳаммаси тескарисига кетиши мумкин.

Ҳомиладор аёллар тиқилинчда ўзини йўқотиб қўйиши ҳоллари кўп кузатилади. Шунинг учун ўзингизни ноқулай сеза бошлишингиз билан атрофдагилардан ёрдам сўранг.

### *Харид қилиши вақти келди*

Дўконлар оралаб юриш бўлажак онанинг руҳий ҳолатини яхшилади, чунки аёллар нарса харид қилишни хуш кўрадилар. Кўзни қувонтирадиган, сөғлигингизга зарар етказмайдиган нарсаларни харид қилинг.

Ҳозир кўпгина сотувчилар сизга ҳомиладорлар учун маҳсус буюмлар ва энг сўнгти модаларда тикилган либосларни таклиф қилишади. Сиз учун мўлжаллаб чиқарилган пардоз буюмлари: таркибида витамин Е бўлган ёки тери кенгайишини камайтирувчи кремлар фойдали хариддир. Тери кенгайиши кундан-кун тўлишиб бораёттанингиздан келиб чиқади. Унинг олдини олиш керак, чунки туқсандан кейин терини ўз ҳолига қайтиши қийин бўлади. Юзингизга дор тушмаслиги учун қуёшдан ҳимояловчи кремлардан ишлатинг. Активариоз креми эса оёқларингизда қон айланишини яхшилади, қон тўпланиб қолиши, томир шишишининг олдини олади. Шунаقا нарсаларни харид қилиш кайфи-

ятингизни кўтаради, янги кийим янгича руҳ беради. Кийимларнинг қанақасини танлаш тўғрисида кейинроқ таплашамиз.

### **Буни яқинларингизга ўқиб беринг**

Қадимда ҳомиладор аёл ёнида уришиш, сўкиниш ва ҳатто баланд овозда гапириш айб санаалган. Бўлажак онанинг ҳамма айттанларини бажо келтириб, ҳамма инёзиқликларини кўтариб, уни асраб-авайлаганлар. Ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб бобо-момоларимиз бўлажак она ҳаяжонланиши, сиқилиши, руҳий қалқиши мумкин эмаслигини тушунишган. Бизнинг давримизга келиб ҳам буни ҳеч ким инкор эттан эмас. Ҳомиладорлик даври аёл киши учун яхшиликларни қабул қилишнинг айни пайти. Эрлар ва қайноналар уни дераза ювиш, бозор-ўчоқ қилиш, оғир буюмларни кўтариш каби қийин ишлардан озод қиласа мақсадга мувофиқдир. Иш жойидагилар эса уларнинг мажбуриятларини камайтириб, бир пиёла иссиқ чой билан сийласалар, савоби катта бўлади. Ҳатто энг қаттиқўл бошлиқ ҳам унга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиши керак. Қисқаси, оғироёқ аёл фақат самимий меҳрлар қуршовида яшаши унинг ва туғилажак фарзандининг келажаги учун жуда зарур.

Бўлажак онанинг ўзи учун қулай, яхши шароит яратишга интилишларини худбинлик деб баҳоламанг. У ҳаётини гўзал, тотли қилиши, ўзи билан бирга боланинг ҳам кайфиятини кўтаришида фойдали харидларнинг ҳам таъсири бор. Шунинг учун қўшимча харажатлар учун бўлажак отанинг жаҳли чиқмасин. Она ўзи учун ҳамма нарсадан тийилиши мумкин. Аммо вужудидаги боланинг кайфиятини тушкунликлардан асраш ҳам унинг зиммасида-ку?

Ушбуларни ўзингиз ўқиб бўлдингиз-а, энди яқинларингизга ҳам ўқиб беринг.

## РУХИЙ ТАРБИЯ

Кўтаринки кайфият соғлигингиз ва болангизнинг соғлиги гаровидир. Чақалогингизни эсон-омон қўлга олишингизда бунинг таъсири катта. Аммо афсуски, айрим оналарнинг кайфияти ўта ўзгарувчан бўлиб, тўсатдан тушкунликка тушиб қолиши мумкин. Хўш, ҳомиладорлик пайтида ғамга ботмаслик, кўтаринки кайфиятда яшаш учун нима қилиш керак?

### *Янгича яшаш тарзи*

Тушкун кайфиятни келтириб чиқарувчи сабаблардан бири чарchoқдир. Бўлажак она аввалгига нисбатан ўзини бўш қўйиши, кўпроқ дам олиши керак. Бу даврда ҳаётини аввалгидек фаол давом эттироқчи бўлган аёллар ўзларига асаб касалликларини орттириб олишади. Кўнгил айнишининг ўзи ҳам сизни ҳоддан тойдириб қўяди. Эҳтимол, сиз аввал эрталабдан уй ишлари, кундузи давлат иши, кейин бирор-бир чет тилини ёки бошқа нарсаларни ўрганиш билан шуғулланив, кечқурун яна рўзғор ташвишларига шўнғиган бўлсангиз, энди буларнинг ҳаммаси сизга оғирлик қиласди. Турмуш тарзингиз ўзгараётганига хафа бўлманг. Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида сиз яна қизиқарли, фаол ҳаёт жиловини ўз қўлингизга оласиз. Ҳаётингизнинг асосий босқичи энди бошланаяпти ва у сизга ширин лаҳзаларни ваъда қиласяпти. Шунинг учун ҳозирча ўзингизни уринтириб қўймай, кўпроқ дам олинг.

### *Ҳомиладорлик—касаллик эмас*

Ўзини ноқулай сезиш, шифокор ҳузурига қатнаш, чартоқ — буларни кўғчилик аёллар худди касалликдай қабул қилишади. Бундан ташқари, ҳар хил дорилар, витаминалар тавсия қиласвериб шифокор ярангизга туз се-

пади. Бир тарафдан, бунга тўғри қарайсиз, иккинчи тарафдан бу муаммолар ҳеч қачон тутамаётгандек туюла-веради.

Тушкунликка тушманг! Шуни билингки, ҳомиладорлик бу касаллик эмас. Бу аёл киши ҳаётига кириб келиши табиий бўлган баҳтдир. Мумкин бўлмаган нарса-ларнинг ҳаммаси вақтингчалик эканини унугиб қўйманг. Чарчоқ билан курашманг, ўзингизнинг янги истакла-рингизга қулоқ тутинг, бошқача бўлишдан қўрқманг.

### *Паришон хотирилик*

Бўлажак онанинг фикрлари доираси қисқаради, де-ган фикрлар унчалик ҳам тўғри эмас. Улар кўпроқ хаёл суриш, орзу қилиш билан банд бўлади. Бола билан юрган одамнинг аҳволини тасаввур қилингда, уларни ту-шунишга ҳаракат қилиб кўринг. Баъзан бўлажак она-ларнинг кўпчилиги шоиртабиат бўлиб қолишади, ҳатто ўз ишини ташлаб расм чизишу ижод оламига шўнгигб кетадилар. Қачонлардир хоҳлагану ҳеч киришишга қўли тегмаган ишларни айнан шу даврда бажара бошлияди-лар ва бундан лаззатланадилар. Албатта, бунинг фойда-ли томонлари кўп.

### *Бўлажак отанинг баҳти*

Ҳаётда ҳамма нарса содир бўлиши мумкин. Дейлик, ҳомиладорлигингиэни эшиштан эрингизнинг севинч тўла юзларини тасаввур қилиб завққа тўлгансиз, аммо бун-дай бўлиб чиқмади. У сизга шунчаки қараб: «Энди нима қиласми?» деган саволни берди. Уни совуққонликада айблаб хафа бўлманг. Бироз вақт беринг. Балки эрин-гиз шошиб қолгандир, эҳтимол хавотирга тушгандир. Бир-бирингизни тушунишга ҳаракат қилинг. Фарзанд оиласигизга янги ўзгаришлар олиб келади, эски келиш-мовчиликларни ҳам бартараф этади. Албатта, сиз сев-гилингиздан ўзингизни қўллаб-қувватлашини талаб

қилишингиз табиий. Аммо унутманг, эркак киши ҳеч қачон сизни ўзингизчалик ҳис қилолмайди, чунки ўзини сизнинг ўрнингизга қўйиб кўришга, яъни «ҳомиладор ота» бўлиб кўришга тасаввури етмайди. У қорнингизда янги инсон ўсаётганини қийинчилик билан тушунади. Вақтингизни кўпроқ у билан ўтказишга, унинг ёнида кўпроқ бўлишга интилинг. Биргаликда шифохонага боринг, тоза ҳавода айланинг, ҳомила тарбияси тўғрисидаги китобларни биргаликда ўқинг. Айрим эркаклар катта қориндан қўрқиб, сизга яқинлашмай қўяди-да, бола туғилгандан кейин еру кўкка ишонмай эркалайди. Бошқа бир тоифа эркаклар эса қоринда ётган боласи билан гаплашиб эркалайди-да, туғилганидан кейин эътибор бермай қўядилар. Шунинг учун дугоналарингизнинг оғзидан бол томиб эрини мақташини эшитиб, ўзингизнинг эрингиз билан солишириб сиқилманг, оиласигизга дўст бўлинг. Беш бармогингиз ҳам баробар эмас-ку, ахир!

### *Ўзингизга ишонинг*

Агар инсонда ўзига нисбатан ишонч бўлмаса, ўзида кўтаринки кайфиятни ҳосил қилолмайди. Сизни «Мен қандай она бўламан?», «Боламни бир ўзим парваришлий оламанми?», «Ишимга қатнай оламанми?», «Оиласа пул муаммоси қандай бўлади?» каби саволлар қийнаши мумкин. Минг ўйлаган билан ечилиб қолмайдиган саволлар тўғрисида ортиқча бош қотиргандан кўра ҳозирча оддий ҳомиладор аёл бўлиб туринг. Худога суюнинг, бўлғуси оналар ҳамиша уларнинг назарида бўлишлари рост. Кўнглингизни хотиржам қиссангиз, ўзингизга ҳам, туғилажак фарзандингизга ҳам фойдаси бор. Кўпроқ болангиз билан мулоқотда бўлинг, ичингизга қулоқ солинг...

## *Янги ҳамсуҳбатлар*

Фақат ўз қобиғингизга ўралиб қолманг. Ҳомиладор аёллар билан суҳбатлашиб, янги танишлар орттиринг. Бу кўнглингиздаги хавотирларни йўқотишга кўмак беради. Шунинг учун кўпинча шифохонада танишган иккита бўлажак она ўртоқлашиб кетадилар ва кейинчалик ҳам борди-кеядини узишмайди. Атрофингда сени тушунадиган одамларнинг борлиги қайфиятингиз тушишига йўл қўймайди.

## *Муҳим мажбуриятлар*

Ҳомиладорлик бу шарафли масъулиятдир. Фақат ўз ҳаётингиз эмас, туғилажак фарзандингиз ҳаёти учун ҳам жавобгарсиз. Шунинг учун айрим бўлажак оналар ўзидан бирозгина хатолик ўттанига ўзларини койиб, хавотирга тушадилар. Аммо болангизга ичиб қўйган бирор-бир дорингиз, нотоза ҳаводан олаётган нафасингиз ёки компютер нурларининг таъсири эмас, бузилаёттан асабларингиз қимматга тушиши мумкин. Ўзингизни айблашдан қочинг. Энг яхиси, тинчлантирувчи мусиқа остида ҳордиқ чиқариб, нафасингизни ростлаб олинг. Аста-секинлик билан чуқур нафас олинг ва чиқаринг. Кўз олдингизга соғлом, чиройли, ҳар томонлама ҳаммада ҳавас уйғотадиган фарзандингизни келтиринг. Қорнингизни силаб, уни эркалаб қўйинг.

## *Ҳаракат — бу ҳаёт*

Бўлажак онанинг кам ҳаракатлилиги ҳам руҳиятига салбий таъсир қиласи. Бу даврда организмингиз зўриққан бўлади. Агар сизни бел оғриғи, томир шишиши ёки ич қотиши безовта қилаётган бўлса, энг яхши кўмакчингиз жисмоний тарбиядир. Эҳтимол, мактаб давриданоқ бу сўз сизда ёқимсиз ҳисларни уйғотадиган бўлса, очиқ ҳавода кўпроқ сайр қилинг.

Ҳомиладорлар учун мўлжалланган машқларни бажаришнинг бола учун фойдаси катта. Нафас йўллари би-

лан боғлиқ машқлар бола миясига кислород етишмас-  
лигининг одини олади, асабларни тинчлантиради.

Ҳомиладорлик сизга ўзингиз ҳақингиздаги янги қир-  
раларни очади. Қўрқмасликка ўрганинг. Ўзингиздаги  
ўзгаришларга ўрганинг. Ўзингизни севинг, ўзингизга  
мехрибон, ғамхўр бўлинг.

### *Вазнингизга эътибор беринг?*

Ёмон кайфият сизга ортиқча килограммларни қўшиб  
юбориши ёки озиб кетишингиз мумкин. Чунки айрим  
одамлар хафа бўлганида овқат чайнаш билан ўзларини  
тинчлантирса, айримлар умуман овқат емай қўядилар.  
Бу икки ҳолат ҳам сиз учун ўта заарли. Иштаҳангиз  
карнай бўлиб турган бир пайтда, янаям кўп овқат ейиш  
сизнинг ҳолатингизда қандали деабетта ёки томирларга  
оғирлик тушишига олиб келиши мумкин. Боланинг ети-  
либ кетиши ҳам туғиши жараёнида қийинчилик тутди-  
ради. Ҳозир эса кўп овқатдан тийилиш учун нималар  
қилиш тўғрисида билиб олинг.

Кун ботгандан кейин ейилган озуқа танангида ор-  
тиқча ёғ тўпланишига сабаб бўлади. Кечаси қорнинтиз  
очиб уйғонсангиз, иложи бўлса иштаҳани йўқотувчи  
асал солинган лимонли чой ичинг. У мойни эритувчи  
хусусиятта эга. Жудаям овқатлангингиз келса, сузма ёки  
творог еб олинг, унинг ошқозонга салбий таъсири йўқ.  
Яна петрушка, шивит, кўк пиёзни бир дона саримсоқ-  
пиёз билан бирга майдалаб, творог ёки сузмага қўшиб  
истеъмол қиласа ҳам бўлади.

## СЕНИ КҮРГИМ КЕЛАЯПТИ, БОЛАЖОН

Иккинчи уч ойлиқда бола қорнингизда қимирлай бошлайди. Унинг борлигини, у сизнинг вужудингизда нафас олаёттанини ҳис қиласиз. Томирларида сизнинг қонингиз оқаётган мурғаккина одамчани кўргингиз, у айни дамда қорнингизда нималар билан машғул эканини билтингиз келади. Марҳамат, унинг қачон нималар билан шуғулланаётганини, қандай ривожланаёттанини билиб олинг ва дунёдаги ҳамма болалардан гўзал, ҳамма болалардан афзal эркатойингизни тасаввур қилинг.

**13-ҳафта:** кичкинтоининг бўйи 10 см.

**14-ҳафта:** боланинг скелети, бош сутти ва ичаклари ривожлана бошлайди. Юпқа териси орасидан қон томирчалари куринади.

**15-ҳафта:** бола қўлчаларини қимирлатиб, муштчаларини кўрсата олади. Аввалги кийимларингиз сизга сиғмай бошлайди. Кенгроқ либос сотиб олиш ҳақида ўйлаш вақти кеди.

**16-ҳафта:** кичкинтой ўсиб, оғирлашди, бўйига 150 мм қўшилди, вазни эса 140 грамм. Таначаси мулойим тук билан қопланди. Терини оқ рангли мой қоплай бошлади. Бу мой ўзидан ёқимли, иссиқ сутнинг ҳидига ўхшаш кетувчи бетакрор ҳид таратади. Сизга эса УЗДдан ўтиш ва бошқ. анализларни топшириш вақти кеди. Боланинг қандай ривожланаётганини билиб оласиз.

**17-ҳафта:** гигиеник ривожлана бошлайди. Истасантиз, боланинг қон гурухини аниқлатиб олишингиз мумкин. Буйрак ишлай бошлайди ва энди болалдан пешоб ажралади. Ичаклардан эса ахлат ажралади.

**18-ҳафта:** эшитиш сүяклари ва миянинг эшитишни таъминловчи қисмлари ривожланади. У сизни эшига бошлади.

**19-ҳафта:** миянинг ривожланиши давом этади. Мия билан мускуллар орасида борлиқлик бошланади. Қорнингиз оғирлашиб бораёттанини сезаяпсиз.

**20-ҳафта:** полапонингиз қизариб қолди. Йўқ, уялганидан эмас, фақат терисининг ранги ўзгариб қолди. Унинг сүяклари мустаҳкам бўляяпти. Бунинг устига, овозингизни ҳам танияпти!

Унинг борлигини сезаяпсиз... у қимирилаяпти! Агар бу биринчи ҳомилангиз бўлса, билиб қўйинг, унинг қимирилаши сувнинг қайнашига ўхшайди, аста-секин, билинар-билинмас бўлади. Кейинчалик қимирилаши кучайиб, шунаңгি тепа бошлайдики, беихтиёр уни келажакда футболист бўлса керак, деб ўйлайсиз. Шифокор сўраганда жавоб бериш учун биринчи қимирилаган кунини эслаб қолинг.

**21-ҳафта:** сизнинг қонингиз болангизга иммуноглобулин етказиб бераяпти, айнан ана шу нарса уни ҳар хил касалликлардан асрайди.

**22-ҳафта:** бу вақтта келиб болангизнинг ҳамма органдари ишга тушади. Кўкракларингизнинг учлари қорая бошлади.

**23-ҳафта:** болангиз кичкина одамчага айланиб бўлди. Фақат ҳали 15 см га ўсиши ва семириши керак.

**24- ҳафта:** теричасининг ранги оч қизил тусга кирди, қош ва киприклари ўса бошлади. Агар унга бирор

нарса ёқмаётган бўлса, тепиб билдиради. Ва ҳатто ҳиқичноқ тутади. Бўйи 230-250 мм га, оғирлиги эса ярим килога кўпаяди.

**25- ҳафта:** Боланинг ҳамма органлари ишлай бошлиайди. Мия 100 грамм оғирликда бўлади. У катта ҳаётга тайёргарлик кўраяпти.

**26- ҳафта:** бу пайтда чақалоқ ёруғликни сеза бошлиайди. Масалан, қорнингизга ёруғ чироқ олиб бориласа, у ўзгаришни дарҳол сезади. Бу даврда сиз унга қандай мусиқалар ёқиши, қайси қўшиқларни эшитганда тинчланиб, қайсиларини эшитганда асабийлашишини пайқашингиз мумкин. Ўзингизда икки одамнинг оғирлигини ҳис қиласиз, юрак ва ўпкаларингиз аввалгига қараганда бир ярим баробар кўпроқ ишлайди.

**27-ҳафта:** оғирлигиниз сезиларли даражада ошади, бесўнақайлашиб борасиз. Бирор нарсага урилиб кетиш, йиқилиш, қисилиш каби нарсалардан ўта эҳтиёт бўлиб юринг.

**28-ҳафта:** кичкинтойнинг бўйи 35 см га етди, вазни эса деярли 1 кг (900 г). Ҳар икки ҳафтада бир марта шифокор кўригидан ўтиб туринг.

**29-ҳафта:** боланинг тери ости ёғ безлари шаклланишда давом этяпти. Бош мия қобиғи аниқ шаклга эга. Вазни ортиб боряпти, деярли 1100 граммга етди. Кўкрагингиздан сутга ўхшаш суюқлик келиши мумкин. Ўзингизнинг вазнингиз 8 кг дан ортган.

**30-ҳафта:** бу пайтда энди кардиотокографияга ўтиб келиш мумкин. Бу бироз қийинроқ ва кўп вақт талаб қилувчи (40 дақиқа—1,5 соат) муолажа. Бу боланинг юраги соғлом ёки носоғлом уришини аниқлаб беради. Актограмма эса унинг қимирилашини текширади.

**31-ҳафта:** бола кўтарса қўлга илинадиган ўлчамга келиб қолди. Оғирлиги тахминан 1,5 кг ча бор.

**32-ҳафта:** кичкинтой энди жуда кичкинтой эмас. Бўйи 43 см атрофида. Ҳадемай у айланиб бошчасини пастга қилиб олади ва туғилгунича шундай кутади.

**33-ҳафта:** болакай жуда фаол ва онаси ундан ҳар замонда яхшигина тепки еб оляяпти. Лекин кўп ўтмай у босиқ болага айланиб қолади, ҳаракатлари ҳозиргидек эпчил бўлмайди.

**34-ҳафта:** чақалоқнинг буйраги ва ўпкаси ташқи ҳаётта тайёр. Ичингиздаги турткини жуда яхши ҳис қиласяпсиз. Энди бола буйракчаларининг ўлчами бор. Ва улар ҳозир бир неча марта ортиқ гармон ишлаб чиқаришади.

**35-ҳафта:** бу пайтда ҳомиладор бачадон энг юқори нуқтага кўтарилади. Икки килограммча оғирликдаги бола диофрагмани қаттиқ босиб қўяди. Онажониси учун ухлаш ҳам, нафас олиш ҳам, юриш ҳам қийинлашиб қолди. Барибир ҳаракат қилиш керак. Овқатни эса иложи борича камроқ енг.

**36-ҳафта:** боланинг вазни 2200-2500 грамм. Бошчаси аста-секин туғиш каналларига яқинлашадиги, бу қон босими ва диофрагмани бўшаштиради, сизга нафас

олиш осонлашади. Мабодо бу жараён икки-уч ҳафта кечикса, ҳеч қўрқинчли жойи йўқ. Шу пайтдан бошлаб сиз тўлғоқ қандай бошланиши, қайси пайтда ва қайси түгруқхонага бориш тўғрисида билиш керак. Тугунингизга барча керакли нарсаларни туғиб, тайёрлаб қўйинг.

**37-ҳафта:** кичкинтой 46 см гача ўсишга улгурди. У кунига тахминан 30 грамм оғирлашамайти. Энди тери ости безлари иссиқ алмашувини ушлаб туришга тайёр. Кучингизни ақд билан ишлатишингизга тўғри келади. Айни бола кутаётган пайтингизда ортиқча ҳеч қандай иш билан шугуланишнинг кераги йўқ. Ўзингизни асранг ва кўпроқ дам олинг.

**38-ҳафта:** Эркатойингизнинг мулойим ва ёқимли та-начаси тўла шаклланган. Бармоқчалари чизиб қўйган-дек чиройли. Бошчасидаги соchlари 4 см гача узунликда бўлиши мумкин. Йўрон ичагида янги туғилганида биринчи марта ажраладиган ахлати — меконий тўпла-няпти. Бачадонингиз түгруққа тайёrlанаяпти. Шифо-корингиз билан доимий алоқани ўрнатинг, ундан организмингиздаги ўзгаришлар тўғрисида суриштириб ту-ринг.

**39-ҳафта:** энди кичкинтойда айтиш мумкин бўлган ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмаяпти. У ётволиб она-жониси билан учрашувни интиқиб кутаяпти. Агар болангиз ўғил бўлса, унинг тужумдонлари машонкасига тушиб қолади. Шейкангиз аста-секинлик билан очи-либ, түгруққа шайланаяпти.

**40-ҳафта:** болажонингиз билан дийдорлашиш пай-ти кеди. Аммо буни туғишта йўлланма деб тушун-манг. Агар бола дунёга бироз олдинроқ ёки кейинроқ

келса, бунинг ҳеч хатарли жойи йўқ. Бор-йўғи 10% аёллар шифокори белгилаган муддатда кўзи ёиркан. Энг муҳими, асабийлашманг ва шифокорингизнинг кўрсатмаларига қулоқ тутинг.

Янги меҳмонингизнинг пойқадами қутлуғ келсин!

# СОГЛОМ ОНА БҮЛИШ СИРЛАРИ



## ТУГРУҚНИ РЕЖАЛАШТИРИШ КЕРАК... МИ

Болаларингиз соғлом туғилиши ва шу билан бирга сиз ҳам ўзингизни яхши ҳис қилишингиз учун асосий икки қоидага бўйсунишингизга тўри келади.

Биринчидан, ота-онанинг ёши катта аҳамиятта эга. Илк тургук учун энг қулайи 19дан 25 ёшгача, охиргиси эса 35 ёш. Отанинг ёши эса 40дан ошмагани маъқул. Сабаби шундаки, инсон ёши улҳайгани сари қандайдир яширин сурункали касалликлар орттириб олган бўлиши эҳтимоли бор.

Кейинги тургукларнинг ораси эса биринчиси билан яқин бўлмаслиги керак. Чунки аёл организми тургукдан кейин камида икки ярим, уч йил давомида ўзини тиклаб олади. Бу вақт давомида онанинг ўзини тутиб олиши нафақат унинг ўзи учун, балки туғила жак кейинги фарзандининг соғлигини таъминлаш учун ҳам муҳимдир. Ҳозирги кунда жуда кўпчилик аёлларда учраётган анимия, яъни камқонликнинг сабабларидан бири ҳам айнан тургуклар орасининг яқинлигидир. «Ёшлигимда тез-тез туғиб олсан, бирданига иштон ювишдан қутуламан», дегувчилар ҳам топилиши мумкин. Ва қарабсизки, туғилган бола мияси гимоглобин пастлиги туфайли кислород етишмаслигидан қийналади.

Шунинг учун ҳурматли онажонлар, ҳомиладор бўлишдан олдин умр йўлдошингиз билан маслаҳатлашиб, туғиши режалаштириб олганингиз маъқуддир... Шундагина сизда ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом фарзанднинг соғлом онаси бўлишга имконият туғилади.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ, ҲАДЕМАЙ ОНА БЎЛАСИЗ (БИРИНЧИ УЧ ОЙЛИК)

Шифокорнинг ушбу табригини эшитиб этларингиз жимирилаб кетди. Еру кўкка сизмай қолдингиз, қанот чиқариб яқинларингиз ёнига учгингиз, бу ҳаяжонли янгиликни уларга айтгингиз келаяпти. Аммо ҳали бунга шошилманг. Момоларимиз таъбири билан айтганда, кўз тегиб қолиши мумкин. Ҳозирча сизни асраб-авайлаши учун эрингизга, билмаганларингизни ўргатиши учун қайнона ёки онангизга билдирсангиз бўлди. Қолганларга эса вақти келганда қорнингизнинг ўзи айтади. Лекин шифокор ҳузурига келгунга қадар ҳомиладор бўлишингиз мумкинлиги тўғрисидаги гумонни қаердан билдингиз? Албатта, организмингиз огоҳдантириди, шундайми? Кelingт, унинг қандай сездириши тўғрисида бўлажак она бўлишни орзу қилганларга ҳам тушунтириб берамиз.

Аёл ҳомиладор ёки ҳомиладор эмаслигини асосан ҳар ойда кўриладиган ҳайз цикли аниқлаб беради. Агар фарзанд кутаётган бўлсангиз, ҳайз кўриш тўхтайди. Шунинг учун кузатиб боринг, агар ҳайз қони келиши бир ҳафтадан ошиқ кечикса, сабабини аниқлаш учун шифокорга мурожаат қилинг. Шифокор аниқлаб бергунга қадар, аниқ ҳомиладор эканман, деган холосага келиб қўйманг, ҳафсалангиз пир бўлиши мумкин. Чунки ҳайз цикли шамоллаш ёки бошқа сабабларга кўра ҳам бузилиши эҳтимоли бор.

Бундан ташқари, оғироёқликнинг биринчи уч ойида қайсиdir овқатларни истеъмол қилишга иштиёқ кучайса, қайсиларинингдир ҳиди ҳам сизга малол келиши мумкин. Баъзи оналар умуман ҳеч нарса ея олмай қолишади. Кўпчилик бўлажак оналарда бу пайтда жиғилдон қайнаши, кўнгил айниши, бош айланиши ҳоллари кузатилади. Бу токсикоз деб номланиб, кўпинча

биринчи уч ойликнинг охирларига келиб тұхтайди. Аммо айрим аёлларда бу туқынунича давом этиши ҳам мүмкін. Бундай ҳолларда нима қилиш кераклиги тұғрисида кейинги сағиғаларимизда ўқийсиз.

Агар ўзингизда ана шу белгиларни сезсанғиз, фарзанд кутаёттанингиз тұғрисида гүмонингиз бўлса қўйидаги маслаҳатларимизга амал қилишни бошланг.

— Кўнглингиз тусаган нарсани иложи борича топиб истеъмол қилинг, чунки уни сиз эмас, қорнингизда эндиғина пайдо бўлган бола талаб қиласяпти. Демак, унга ўша овқат таркибидағи витаминалар, моддалар етишмаяпти.

— Отир ишларни бажаришдан тийилинг. Акс ҳолда боланинг тушишига олиб келиши мүмкін.

— Иссик ҳаммомда иссиқ сувда чўмилишдан асранинг.

— Спиртли ичимликлар ичманг, сигарет чекманг.

— Шамоллаб қолишдан эҳтиёт бўлинг, сизга ҳозир антибиотиклар қабул қилиш мүмкін эмас.

— Шифокорнинг маслаҳатисиз дори ичманг.

— Биринчи уч ойликда иложи борича камроқ, эҳтиёткорлик билан жинсий алоқада бўлиш керак.

Унутманг, агар маслаҳатларимизга амал қилиб, ана шу уч ой муддат ичидә ўзингизни яхшилаб парвариш қилсанғиз, кейинги ойларда қийинчилік сезмайсиз. Ва болангизнинг соғлом түғилишида ҳам илк босқичнинг аҳамияти жуда катта.

## БУ ОСОЙИШТАЛИК ДАВРИ (ИККИНЧИ УЧ ОЙЛИК)

Бу осойишталик даври бўлиб, ўзингизни яхшилаб парвариш қилсанғиз, сизни ҳеч нарса безовта қилмайди.

Варикоздан қийналмаслик учун махсус чулки кийиб юринг, у дорихоналарда сотилади. Терингизда қизариш, қичишишлар пайдо бўлмасин десантгиз, иссиқ душдан асранинг. Остки тарафдан келаётган суюқлик қичишиш берадётган бўлса, шифокорингиз билан маслаҳатлашиб, туғруққача албатта даволанинг.

— Агар ҳеч нарса безовта қилмаётган бўлса, ҳомиладор аёллар бажариши керак бўлган гимнастика машқлари билан шуғулланинг. Бу ҳақида махсус курсларга қатнанг ёки шифокорингиздан сўраб билинг. Тос мускулларини мустаҳкамловчи машқдарнинг тутишда фойдаси катта. Уларни бажариш жуда осон бўлиб, спортзалсиз уйда ҳам бажараверишингиз мумкин. Кўп вақт ҳам олмайди, натижаси эса кўрасиз, аъло бўлади.

— Бозорга чиқиб, болангизга нарсалар танланг. Агар ирим-сиримларга ишониш одатингиз бўлмаса, унинг хонасини безашни бошлайверинг. Кроватча, аравача, ўйинчоқ, кийим-кечак ва бошқа зарур нарсаларни харид қилинг. Бешикни эса бувижониси олиб келади. Ҳозир шошилмасдан кўнглингиздаги нарсаларни сотиб олишга имкон бор, кейин вақтингиз бўлмаслиги мумкин.

— Ҳамма нарса тўғрисида хотиржамлик билан хулоса чиқаришга, хурсандчилик билан қабул қилишта ҳаракат қилинг. Эшитадиган мусиқангиз, кўрадиган кинонгиз, қўшнилар билан сұхбатингиз, умуман қилаётган ҳамма ишингиз қайғу, сиқилиш, хавотирни кўнглингиздан бартараф этсин. Дарвоҷе, мусиқа тўғрисида алоҳида гап бор. Кўпроқ қўшиқ эшитишингиз болангизнинг ривожланишига яхши таъсир қиласкан. Фақат мусиқа сизга ёқадиган бўлиши ва ундан лаззатлана олишингиз шарт. Қайси қўшиқни ёқтирангиз, ўшани эшитинг. Организмингизга, қорнингиздаги одамчанинг хоҳишлиарига қулоқ тутинг, унинг ўзи сизга шўх ёки мумтоз қўшиқ тинглашни танлаб беради.

— Энди овқатланишингиз түғрисида гаплашиб олсак. Аввалидек фақат қорин түйиши учун нимадир ейишлар, кунни иссиқ овқатсиз ўтказишлар энди сизга асло түғри келмайди. Овқатдан ўзингизни тийишта эса ҳали эрта. Биринчидан, яхшилаб куч йиришингиз керак, иккинчидан, ичингиздаги полапоннинг мияси ривожланаяпти, унга овқатланишнинг таъсири катта. Оқсил моддаси ва В витаминига бой бўлган егуликларни истеъмол қилинг. Ёғисиз гўшт, тухум, сутли маҳсулотлар, нўхат, ловия, ёнроқ, балиқ, товуқ гўшти, янги узилган мева ва сабзавотлар уйингизда ҳамиша бўлиши керак (агар буларга аллергиянгиз бўлмаса).

— Мутахассисларнинг айтишларича, бўлажак она учун нафақат туғиши пайтида, балки бошқа пайларда ҳам түғри нафас олиш катта аҳамиятта эга экан.

### *Қандай анализлар топшириши керак*

Шифокор буйракларингиз қандай ишләёттанини аниқлаш учун сийдик топширишингизни тавсия қиласи. Текширув пайларида вазнингизни, артелиар қон босимингизни ўлчайди, сёқ-қўлларингизда шиш бор-йўқлигини текширади. Авлодларингиздаги ирсий касалликлар түғрисида суриштиради. Боланинг юрак уришини эшитиб кўради. Лозим бўлган пайтда УЗДга тусишини тавсия қиласи.

Ҳомила уч ойлик бўлганида боланинг мияси ривожланади, агар юқоридаги текширувлардан сўнг шифокор бирор нимадан шубҳаланса, навбатдаги бошқа тестлардан ўтишни тавсия қиласи. Масалан, альфа-фетопротеин. У одий қон анализи бўлиб, ҳомиладорликнинг 16-18-ҳафталарида ўтказиласи. Боланинг нерв найчасидағи касалликларни аниқлашда асқотади

Авлодларингизда бирор-бир жиддий ирсий касаллик бўлса, уни болага ўтган ёки ўтмаганилигини аниқ-

лаш учун амнеоцентез анализи олинади. Бунда қон эмас, амниотик суюқлик олинади (қин ичига ингичка игна киргизиш йүли билан). Тест ҳомила 18-ұфталигидә үтказилади.

Албатта, бу тестлар айрим ҳоллардагина тавсия қилинади. Мабодо дүч келиб қолғанда сиқилиш керак эмас. Она носоғлом бола күтариб юрган бўлса, у ҳақидаги қарорни ўзи чиқаришга ҳақли. Ҳамма нарсанинг аниғи фақат Худога аёнигини эсдан чиқарманг.

## ЁҚИМЛИ ВА ҲАЯЖОНЛИ КУНЛАР (ОХИРГИ УЧ ОЙЛИК)

Ҳозир энг ёқимли ва ҳаяжонли кунларингиз ўтаяпти, болажонингиз билан учрашувга тайёрланаяпсиз. Албатта, энди ўз кундалик режимингиз бор, қандай овқатланиш ва нималар қилишни жуда яхши биласиз. Ва булар ҳақида сизга кимдир айтиб ўтириши шарт эмас, ичкарингиздан хабар келади.

Шунга қарамай, айрим нарсалар түғрисида биз ҳам огоҳлантириб қўймоқчимиз. Энди хамирли овқатларни емасликка ҳаракат қилинг. Кун ўртасида албатта оёғингиз тагига кичикроқ ёстиқ қўйиб дам олинг. Осмонга қараб ётмасликка ҳаракат қилинг.

Охирги уч ойда аҳволингиздан келиб чиқиб, яъни агар бола тушиш хавфи бўлмаса жинсий алоқага рухсат бор. Қоринни қисиб қўймайдиган, болага зарар етказмайдиган ҳолатни топиб, эҳтиёткорлик билан ҳаракатда бўлиш керак. Айрим мутахассисларнинг фикрича, охирги ойда жинсий алоқанинг фойдали тарафлари ҳам бор, тутиш жараёнида шейкаларнинг кўп қийинчилкларсиз очилишини таъминлар экан. Барибир шифокорингиз билан маслаҳатлашиб кўринг, соғлигингиз аҳволини у билади.

Тахминан 36-ҳафталарда боланинг бошчаси пастга силяжиб, сийдик йўлларини қисиб қўяди ва сиз ҳожатхонага тез-тез қатнай бошлайсиз. Ҳавотир олманг, тукқанингиздан кейин ҳаммаси ўз жойига тушади. Яна бир нарса, қайсиdir оналарнинг охириги ойда киндики кенгайиб, ташқарига чиқиб қолгандек бўлади. Уни ичкарига киритишга ҳаракат қилманг, умуман қўл билан тегманг, туғруқдан кейин ўзи жойига қайтади.

### **Тайёргарлик вақти келди**

Тўққизинчи ойда туғишига тўлиқ тайёр туринг: ҳамма керакли нарсаларингизни тайёрлаб қўйинг, тирноқларингизни олиб, улардаги бўёқларни ўчириб ташланг, сочингизнинг турмаги тўғрисида бош қотиринг, чунки туғишида улар сизга халал бермаслиги керак.

Қаерда туғиши ва ёнингизда кимлар бўлиши ёки бўлмаслиги тўғрисидаги қарорни аллақачон қабул қилиндирилсиз. Бу ҳақида ҳеч қанақа тавсия беролмаймиз, ҳар бир оила ўз хоҳиши билан ҳал қиласидиган иш бу. Аммо ўз истакларингизни аниқлаб, қарор қабул қилишдан олдин иқтисодий аҳволни ҳисобга олишни эсингиздан чиқарманг. Агар истакларингиз билан имкониятларингиз бир жойдан чиқмаса, сиқилишнинг ҳожати йўқ. Ёдингизда тутингки, медицина асбоб-ускуналари унчалик аъло даражада бўлмаган бепул туғруқхоналарда ҳам яхши шифокорнинг қўлида осон ва муваффақиятли туғиши мумкин. Демак, сиз туғруқхона ёки техника эмас, ўзингиз ва болангизнинг ҳаётини ишониб топшира оладиган малакали, қўли енгил шифокор танланг.

Эсингиздан чиқмасин, ҳомиладорлик даври бу соғлом оналинг соғлом фарзанд дунёга келтириш учун тайёргарлик давридири. У шбу мақсад сари катта хоҳиш билан интилинг, ҳамма имкониятларингизни ишга солинг.

## УЗД: ЁРДАММИ ЁКИ ХАВФ

Кўпгина бўлғуси оналар ҳомиладорликда УЗдан фойдаланишнинг болага зарари йўқмикин, деган хавотирда бўладилар. Келинг, шу хавотирни дилимиздан йўқотиб, энг тўғри йўлни танлашга ҳаракат қиласиз.

Маълумотларга қараганда, гинекология соҳасида 50 йилдан бўён ултранурлардан фойдаланиб келинаркан. Шунча вақт мобайнида унинг болага ҳеч қанақанги салбий таъсири сезилмаган эди. Аммо кейинги пайтларда пайдо бўлаётган айрим мақолалардаги маълумотларга қараганда УЗдинг зарари ҳам бўлиши мумкин эмиш.

Эҳтимол, бу гапларда ҳақиқат бордир, лекин акушерлик соҳасида белгиланган миқдорга амал қилинса, бундай муаммога дуч келмаслигингиз аниқ. Тўққиз ой давомида уч марта ултранурлар билан рўбарў бўлишнинг онага ҳам, болага ҳам ҳеч қанақанги салбий таъсири йўқ. Аксинча, айрим нарсаларга аниқлик киритиб, соғлом фарзандни дунёга келтиришингизда асқотади. Ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигига онанинг экстрагенитик аҳволини, ҳомиланинг тушиш хавфи, болада ирсий касалликлар белгилари бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида УЗда тушиш тавсия қилинади.

Иккинчи босқичда эса бола миясининг қай даражада ривожланаёттани, ҳомила муддатини белгилаш ва йўлдошнинг аҳволини текшириш ишларида УЗ ёрдам беради.

Учинчи босқичда ултранурларнинг вазифаси она қорнидаги ҳаётининг сўнгги дамларида боланинг организми қандай ривожланаётганини аниқлаб беришдан иборат. Қоринда бола тўғри ёки нотўғри жойлашгани ва шунингдек, бошқа мухим нарсаларни аниқлаб, агар лозим бўлса, даволаш ишлари бошланади.

Асрanganни худо асрайди, деганлариdek, ҳар эҳтимолга қарши текширувлардан ўтиб турган маъқул. Яна

шуни таъкидлаш жоизки, ҳомила 10 ҳафталик бўлгунга қадар агар жиiddий муаммолар туғилмаса, УЗДга тушмаган афзал. Ултранурлар текширувидан биринчи марта 10-14 ҳафталигида утиш керак. Иккинчи дафъа 20-24 ҳафта оралигида, 32-34 ҳафталар ўртасида эса учинчи марта тушган маъқул. Ана шундагина сизда УЗД билан боғлиқ хавфлар тўғрисидаги хавотирларга ўрин қолмайди.

## ҲОМИЛАДОРЛИК ДАВРИДА ЖИНСИЙ АЛОҚА МУМКИНМИ

Ҳомиладорлик пайтида жинсий алоқа қилиш мумкинми, деган савол кўпчилик ёш оналарни ташвишга солади. Ҳомиладорликнинг биринчи ярмида, яъни 11-12 ҳафтагача жинсий алоқа мумкин эмас. Шу муддатдан сўнг ҳомиланинг тушиш таҳди迪 бўлмаса жинсий алоқа мумкин. Аммо жуда эҳтиёткорлик билан, қулай ҳолатни топиб, қоринни босилмаслигини таъминлаб, астасекинлик билан жинсий алоқада бўлиш керак. Норма тўғрисида эса шифокорингиз билан маслаҳатлашинг, у сизнинг аҳволингиздан келиб чиқиб жавоб айтади.

Агар ҳомиладорлик пайтида ҳам аввалгидек лаззат олиш тўғрисида ўйласангиз, адашасиз. Чунки ҳомиладорликда бачадон шишиброқ қолади ва пастроққа тушади, унинг атрофидағи томирлар ҳам кенгайган бўлади. Бу даврда эркин жинсий алоқа жуда хатарли, бола тушишига олиб келиши мумкин. Агар ҳомилангиз тушиш хавфи остида бўлса, умуман жинсий алоқада бўлмасангиз мақсадга мувофиқ. Тутруққа икки ой қолганда эса умуман тўхтатилиши керак, чунки тутруқ жараёнида аёлларнинг тутруқ йўллари тоза бўлиши шарт. Бундан ташқари жинсий алоқа вақтида бачадон мушакларининг

қисқариши, бачадонда қон айланишининг кучайиши кузатилади. Бу эса ўз навбатида қон кетишига ёки муддатидан один түргүқ жараёнинг бошланишига олиб келади.

Хомиладорлигингиз тинч ва осойишта ўтәётган бўлса ҳам шифокорингиз биринчи уч ойда сақланишингизни тавсия қиласди. Унинг маслаҳатига амал қилинг. Агар сиз учун болантиз мухим бўлса, ушбу лаззатдан вақтингчалик воз кечиб туринг ва буни умр йўлдошингизга ҳам тўғри тушунтиринг.

## ТОКСИКОЗ ВАҚТИДА ЁРДАМ

Фарзанд кутаётган даврда кўнгил айниши деярли ҳар бир аёлни безовта қиласди. Кимлардадир қисқа муддат ичидаги ўтиб кетса, кимлардадир туққуничага давом этиш ҳоллари ҳам учраб туради. Мабодо сизни ҳам шу муаммо қийнаётган бўлса, бунга эътиборсиз қараманг. Чунки узоқ давом этган токсикознинг оқибатида тана-да шиш пайдо бўлиши, артелиар қон босимининг ошиб кетиши, сийдикда оқсили миқдорининг кўпайиб кетиши каби кўпгина нохушликлар келиб чиқиши эҳтимоли бор. Шундай кўнгилсизликларнинг оддини олишга қўлингиздан келадиган усувлар билан ўзингиз ҳам курашинг.

Сувга бўлган эҳтиёжингизни тийинг — бир кунда беш стакангача сув ичишингиз мумкин. Овқатларингиздаги туз миқдорини камайтиринг — кунлик истеъмол қила-диган тузингиз миқдори 3-5 граммдан ошмаслиги керак. Бироқ тузни умуман истеъмол қилмай қўйиш ҳам ярамайди, натрий тахчиллиги организмнинг моддалар алмашинувига таъсир қиласди. Дастурхонингиздаги ёғли ва хамирли егуликларни камайтиринг. Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида беш қошиқ атрофида сариқ ёғ, зайтун ёки соя мойи сизга бир кун учун етарли. Яна бир марта

таъкидлаймиз, ҳомиладорлар ошхонаси хамирли овқатларни рад этади, албаттa, бу осон эмас, лекин шундай қилиш керак.

Аччиқ чой биз ўзбекларнинг жону дилимиз. Лекин сизнинг ҳолатингизда бунинг ўрнини наъматак, ялпиз барги қушиб дамланган витамили чой билан алиштирсангиз айни муддао бўларди. Термосга икки ош қошиқ қуритиб майдалантан наъматак, бир ош қошиқ ялпиз баргини солиб, бир ярим литр сув билан дамлаб қўйинг. Қирқ дақиқадан ошиқ дам олгач, уни ҳар овқатдан кейин бир стакандан ичасиз. Сузма, творог, олма ва витамили чойларнинг ҳам сизга фойдаси катта.

Ҳаракатни ҳозирданоқ бошланг, сизни қийнаётган муаммодан бирмунча халос бўлишингизга кафолат берамиз.

## ТИШЛАР ЕМИРИЛИБ КЕТСА...

Фарзанд кўришни режалаштириб қўйганингиз заҳотиёқ тишларингизни даволатиб олинг. Акс ҳолда носорлом тишлар орқасидан нафақат ўзингиз, балки туғилаётак фарзандингиз ҳам жабр кўриши мумкин. Чунки кариес — инфекциялар маконидир. Кариес тишлар ва тиш этларининг шамоллаши туфайли ички органларга инфекция тушиши кўпгина касалликларни келтириб чиқаради. Ўз-ўзидан бу касалликлар болага ҳам ўтади. Шунинг учун айниқса ҳомиладорлик даврида оғиз бўшлигини ўта тоза ва соғлом сақлаш шарт.

Нима учун ҳомиладорликда тишларимиз емирилишни бошлайди? Энг асосий сабаб калций тахчиллигидир. Бола суяклари шакланаётган пайтда организмингиздаги калцийни сўриб олади. Яна бир сабаби, оғироёқ аёлнинг иммунитети ҳам сусайтан бўлади. Бундан ташқари, кариеснинг олдини олиб, тишлар эмали-

ни мустаҳкамлашда катта рол ўйновчи тупук хусусиятлари ҳам пасаяди бу пайтда.

Шунинг учун тишларингиз мўрглашаётганини сезган заҳотиёқ организмни калций билан таъминлашга ҳаракатни бошланг. Агар шундай қримасангиз, ривожланаётган бола танангиздаги сизга аталган калцийни суреб озиқланишга мажбур булади, оқибатда калций етишмаслиги туфайли ўзингиз ҳам, бола ҳам кўпина касалликларга дучор бўлиши мумкин.

Ошқозон-ичак касалликлари келиб чиқишининг сабабларидан бири ҳам айнан калций тахчиллигидар. Ушбу модданинг организмга сўрилишини таъминлаб берувчи органлар касаллангач калций тахчиллигини ушбу моддани таъминлаб берувчи озуқалар ёки дори-дармонлар билан ҳам даволаш қийин бўлиб қолади.

Тажрибалар шуни курсатадики, тишларини кариесдан асраран ёки ўз вақтида даволаттан оналарнинг фарзандлари иммунитет сустлиги ва ошқозон-ичак касалликларига деярли чалинмайдилар. Ҳатто бола туғилганидан кейин ҳам онасининг тишларидағи кариес ўнинг соглигини заҳарлаши мумкин: баҳтиёр она болажониси билан яқиндан туриб мумомала қылган пайтда ва ўпич олганида унга микроблар улашиб кўйганини билмай қолади.

Мабодо тишларингизни даволатиб улгурмаган бўлсангиз, хавотирга тушманг. Ҳомиладорликнинг ҳамма босқичларида тишларни даволатиши мумкин, лекин буни иложи борича тўртгичи — олтинчи ойларда амалга оширган маъкул. Ҳозирги пайтда тиш докторлари ҳомиладорлар учун безарар бўлган оғриқни қолдирувчи дорилардан фойдаланган ҳолда иш кўришяпти. Даволаш жараёнидаги билинар-билинмас оғриқнинг бўлажак она учун зарари йўқ. Фақат сизга мумкин бўлмаган дори-дармонларни ишлатиб кўймаслигининг олдини олиб, ҳомиладорлигиниз тўғрисида огоҳлантириб кўйинг. Рентгинга тушиш эса фақат ҳеч иложи бўлмаган ҳоллардагина мумкин.

Бўлажак оналар ҳар уч ойда бир марта тиш доктори нинг кўригидан ўтиб турса, фойдадан холи бўлмайди.

## ЙОД ТАХЧИЛЛИГИ

Таътиллар мавсуми тугаган пайтда, яъни кузда кўпчиликни йод тахчиллиги қийнай бошлайди. Айниқса, ҳомиладор аёлларда бу кучлироқ сезилади. Агар яқиндагина дengиз бўйи ёки гиёҳли тоғларда дам олиб қайттан бўлсангиз, организмингизни ушбу модда билан тўйинтириб олибсиз. Лекин афсуски, уни узоқ вақтга етарли қилиб жамлаб қўйишнинг иложи йўқ, танангиз у билан доимий равишда таъминланиб туришни талаб қиласди.

Йод ҳомиладорлик даврида гармонларни синтез қилувчи қалқонсимон без учун муҳим рол ўйнайди. Куз ва қишида қалқонсимон безлар фаоллиги кам бўлади, йод етишмовчилиги эса уни яна-да сустлашувига олиб келади, бу касаллик гипотериоз деб аталади. Бўлажак она юзлари, ёёқ-қўлларида шиш пайдо бўлиши ҳисобига ортиқча вазн йиғади, кўриниши эса рангпар ва ланж бўлиб қолади.

Ҳаммасидан хавфлиси шундаки, гипотиреознинг оғир варианatlари ақди заиф болалар туғилишига олиб келади. Унинг асорати фақат шугина эмас. Йод тахчиллигидан келиб чиқсан касалликлар натижасида ҳомила тушиши ёки ўлик бола туғилиши ҳоллари ҳам бўлиб тураркан. Туғилиб, яшаб қолган болаларни ҳам ўз вақтида даволатилмаса, кейинчалик кўпгина хавфли касалликларга дуч келиши мумкин экан.

Организмни йод билан етарлича таъминлашнинг ҳеч қийин жойи йўқ. Ҳар куни 50 мкг йодни қаердан топаман, дейсизми? Ҳомиладорлар ичиши учун мўлжаллаб чиқарилган витаминалар ва дори-дармонларнинг тарки-

бидан. Құшымчасини эса денгиз маҳсулотлари, гулкаралар, хурмо, олма каби егуликлардан оласиз. Овқаттаппингизда йодланған туздан фойдаланынг. Бир кунда 5-6 грамми сизга йод етишмөвчилигининг олдини олиш учун етади.

## ВЕНАЛАРИНГИЗНИ АСРАНГ

Қирқ фоиз аёлларни биринчи туғишида варикоз қийнайды. Оёқ қон томирлари шишиб оғриқ беради. Сиз ҳам ана шундай муаммога дуч келмай десангиз, қуидеги маслағатларимизга амал қилинг.

Қорнингиз катталашып, вазнингиз оғирлашиб қолғач 5-7 дақиқадан ортиқ тик оёқда туришингизга түғри келиб қолса, ўз оғирингизни бир оёққа узлуксиз ташламанг. Ҳар уч дақиқада алмашлаб туринг. Агар узоқ вақт оёқларингизни осилтириб ўтирангиз, венани мустаҳкамлайдиган машқларни бажаринг: ўтирган жойингизда оёқ бармоқларингиз билан исмингизни қайта-қайта ёзинг, бу қон айланишини яхшилади.

Дастурхонингизни лимон, апельсин, узум, тухум сарифи, соя ва дүккакли маҳсулотлар билан безатинг. Улар таркибида рутин ва С витамины бўлиб, капилярлар мустаҳкамларини оширади. Шунингдек, Е витаминига бой бўлган бодом, ёнроқ, писта ва ўсимлик ёғи каби озуқаларнинг ҳам венага фойдаси катта.

Энда эса массаж учун қоришма тайёрлаймиз: 30 мл хушбўй ҳидли ёғлардан бирор хилини топинг (сарви ёғи, лимон ёғи, ёнроқ ёғи, маккажўхори мойи, каштан мойи, зайдун ёғи) ва унга тўрт томчи эфир мойини аралаштиринг. Аста-секинлик билан уни оёғингизга суртинг. Пастдан юқорига қараб уқаланг. Үнутманг, бевосита веналарнинг ўзини уқалаш мумкин эмас.

## ҮЙДА ТУГИШГА ТҮГРИ КЕЛИБ ҚОЛСА...

Баъзан: «Бизнинг давримизда уйда туғиб ташлайвегардиқ» каби тапларни эшитиб, уйда туғиши ҳам мумкин экан-да, деган фикрни ҳам үйлаб қоламиз. Голлан-диялик мутахассисларнинг фикрича, аёл дард туттан пайтда ўз уйда, ўрганилган шарт-шароит ва ўзига таниш муҳиттада ўзини яхши ҳис қиласр экан. Лекин кўпчиликнинг фикрича, бу бирмунча ноҳушликларга сабаб бўлиши мумкин. Чунки тўсатдан медицина ёрдами керак бўлиб қолиши эҳтимоли бор, бундан ташқари, гигиена қоидаларига мос келадиган шароит лозим бўлади.

Мабодо уйда туғиши жудаям истаётган бўлсангиз ёки қандайдир тасодифлар билан уйда кўзингиз ёришига түгри келиб қолса, кўнтилизилкларнинг олдини олиш учун айрим нарсаларни билиб олсангиз, фойдалан холи бўлмайди.

### *Бу ута зарур*

Олдиндан айтиб қўяйлик, жуда соғлом ва ҳомиласи кўнгилдагидек кечәётган аёлгина уйда туғиши мумкин. Агар сизда сурункали касалликлар ёки муддатидан олдин туғиши хавфи мавжуд бўлса, юзларингиз ёруғ ҳолда полапонингизни қўлга өлишнинг бирдан-бир йўли — тутруқхона. Ҳаттоқи, ўзини тетик ҳис қилиб турган соғлом аёл ҳам тутруқ даврида қандайдир муаммоларга дуч келиши мумкин.

Агар қарорингиз қатъий бўлса, ҳаммаси яхши бўлишига тайёрланинг. Тутруқ пайтида бўлажак ота ҳам руҳан, ҳам жисмонан сизнинг энг яқин ёрдамчингизга айланади. Шунинг учун уни аввалдан огоҳлантириб қўйинг, жараённи бошлаб қўйисин. Сизга битта акушергинеколог керак бўлади, шошиб қолмаслик учун яқин атрофда тутруқхона бор-йўқлигини, у сизни қабул қилишга ҳақли ёки ҳақсизлигини аниқлаштириб қўйинг. Акушерни танлашингизда унга ишонишингиз керак.

Үзингиздан сўранг, ҳаётингизни ва болангизнинг ҳаётини унга ишона оласизми? Шуни билингки, туғилажак бола ҳаёти учун биринчи навбатда ота-она, кейин эса туғдирадиган медицина ходими жавобгардир!

Мутахассисларнинг фикрича, бўлажак она агар у яшайдиган ҳудудда бор бўлса, туғишга тайёрлаш курсларига бориши, бундай курслар мавжуд бўлмаса, гинекологдан дарс олиши шарт, айниқса, уйда туғишини режалаштирганлар.

### **Жиҳозлаш ишлари**

Уйда туғиши учун сизга ванна ёки шишириладиган басейн керак бўлади. Ваннани яхшилаб дезинфекция қилиш осон, унда сув чиқариб юбориладиган тешик бор. Басейн эса катта, унда хоҳлаган ҳолатда жойлашишингиз мумкин.

Сув ичида тўлроқ осон кечади. Бола сув ичида дунёга келишининг ҳеч қанақанги хавфли жойи йўқ, чунки сув бола учун янгилик эмас. Шундай фикр мавжудки, она қорнида ётиб сувдан бошқа нарсани кўрмаган бола учун тўсатдан қуруққа чиқиб қолишдан кўра сув ичида туғилиши қулайроқ кечаркан. Агар сиз қуруқликда туғишини ният қилган бўлсангиз, у ҳолда каттароқ клиёнка ва чойшаб тайёрлаб қўйишингизга тўғри келади.

Чақалоқ туғилиши биланоқ, ҳали киндиги кесилмай турриб онасининг кўксига ётқизилади. Бола онажонисининг кўксида бир неча дақиқа, яъни она ўзига келиб сувдан чиқарилиб, ўз тўшагига дам олиш учун ёттунича ёта туради. Сўнгра киндиги кесилиб, акушер боланинг соғлигини текшириб баҳолайди ва қолган ишни ўзи давом эттиради.

## **ТЕРИ НОЗИКЛАШГАН БЎЛСА**

Туғруқдан олдин гимнастика билан шуғулланган оналар тери йиртилишидан қўрқмасалар ҳам бўлади. Ту-

риш осон иш эмас, шунинг учун унга аввалдан тайёр гарлик кўринг.

Бола юмшоқ туғруқ аъзолари оралигидан ўтаётган пайт энг хавфли жараёндир. Боланинг бош айланаси 35-37 см чиқади. Кучанганда бола кучли босим билан келиб урилиши туфайли бола ҳам қийналади, она ҳам азоб чекади. Агар қин атрофи териси нозиклашган бўлса, йиртилиш бўлиши мумкин. Туғруқ жараёнида энг яхши шифокор энг зўр усувлар билан ёрдам кўрсатганда ҳам шундай бўлиши эҳтимоли бор. Хўш, сиз бу пайтда ўзингизга ва болангизга ёрдам бериш учун нима қилишингиз мумкин?

### *Тез ёрдам*

Боланинг боши катталиги, қин атрофи терисининг ранги ўзгаргани ёки аввалги туғруқлардаги жароҳатлар йиртилишнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай пайтда шифокорингиз билан доя маслаҳатлашиб ўша жойни кесиб юборса, ундан ўпкалашнинг ҳожати йўқ. Бу пайтда онанинг ва боланинг ахволи ҳисобга олинади, улар соғлиги ёмонлашса, туғруқ жараёнини тезлаштириш шарт. Агар уч см кесилса, қин атрофи олти см га кенгаяди ва боланинг бир кучанища чиқиши енгил кўчади. Шунинг учун шифокорлар бу ишни тез ёрдам сифатида қиласи, чунки вақт йўқотиш мумкин эмас. Қолаверса, ўзи йиртилгандан кўра кесиб юборилса, атрофи дагал бўлмайди ҳамда битиши осон кечади. Бу пайтда тана қаттиқ тортилган бўлади ва оғриқ сезилмайди. Сизнинг қиласиган ишингиз кесилган жой учун хафа бўлмаслик ва уни асраб, тезроқ битиб кетишини таъминлашдир.

### *Туғруқдан кейин*

Энди сиз аввалгиdek ўтиrolмайсиз. Тўшакка ҳам эҳтиёт бўлиб ётиб туришингизга тўғри келади. Туришга ҳаракат қилаётган пайтда аввал ёнбошга бурилиб ётинг-да,

кроватнинг чеккасидан ушлаб, қўл ёрдамида оёққа суюниб, тиззаларни бир-бирига жуфтлаштириб, аста-секинлик билан туринг. Агар оёқларингиз йирилса, пайлар чўзилади, бунинг тикилган жойга зарари бор. Ётишда ҳам худди шу усулни қўлланг. Тахминан икки ҳафта давомида болани ҳам ётиб эмизасиз.

Еб-ичишингизга ҳам эътибор беринг. Нон, ҳамир, мева ва сабзавотларни еманг. Ичингиз қотганда глицирин шамчаларидан фойдаланинг. Тозаликка ва яхши дам олишга эътибор беринг. Тозаликка риоя этиш жуда қийин, чунки ҳали түгруқ қонларидан қутулганингиз йўқ. Түгруқхонада бўлсангиз, ҳамширалар кунига икки марта, эрталаб ва кечқурун тозалаб, дори суртиб қўйишади. Бундан ташқари ўзингиз ҳам гигиенага қаттиқ эътибор беринг. Ҳар гал ҳожатхонага кирганингизда илиқ сув билан ювиб, юмшоқ салфетка ёки дока билан арting. Сочиқ билан артиш мумкин эмас. Беш кундан кейин ипини олиб, уйга жавоб бериб юборишади.

### Ўз уйингизда

Түгруқхонадан қайтаёттанды қариндошларингизга машинанинг орқа ўриндирида ётиб кетишингиз кераклиги тўғрисида тушунтириинг. Агар тикиш ўрни яхши битаётган бўлса, ўн кундан кейин ўтириш мумкин. Шунда ҳам юмшоқ креслода ўтириш ҳали хавфли. Болани ёттан ҳолда эмизиша давом этинг.

Ичакни юмшатувчи овқатлардан истеъмол қилинг, ювениб туришни канда қилманг. Тез битиши учун эфир мойидан фойдалансангиз бўлади. Ҳожатдан кейин нимҳол маргансовкали сув билан таҳорат қилиб, юқорида айтилган тартибда арting. Бир томчи эфир мойини беш томчи сув билан аралашибириб, салфеткани ботириб, кесилган жойга қўйинг. Бундан ташқари, худди шу усуlda пропалис ва маҳсус мазлардан фойдаланиш мумкин.

Ҳайз қонларидан қутулгач жинсий алоқа қилишга рухсат бор. Мабодо қўрқсангиз, кесилган жойда ҳали оғриқлар бўлса, эрингизга айтинг, сизни тушунишга ҳаракат қиласин. Гимнастика билан шуғулланинг, тос суякларингиз, бўксаларингизни чиниқтиринг. Машғулотни туққанингиздан икки-уч ҳафта ўттач бошланг. Яна вазиятга қаранг, ўзингизга бўлган ишонч буни белгилаб беради.

ГҮЗАЛ ОНА  
БҮЛИШ СИРЛАРИ



## ХОМИЛАДОРЛИКДА ЯРАШАДИГАН ЛИБОСЛАР

Сиз ҳомиладорсиз. Энди жуда кўп нарсалар ўзгари-ди: келгусидаги ҳаёт тарзингиз ва... қанчадир муддат ичидан ташқи кўринишишингиз ҳам.

Кўпчилик аёллар ҳомиладорлик пайтида ўз ташқи кўринишига эътибор бермай қўядилар. Ўзларини уй ишларига, эрига ва кундан-кун тўлишиб бораётган қорин-часига багишилаб юборадилар. Ўзига келганда эса кучла-ри етмай қолади. Аммо ҳомиладорлик жуда жозибали давр, табиат сизга масъулиятли бахтни ато этди. Латофатли ҳомиладор аёл бўлишингизда тўғри танланган кийимнинг ёрдами катта. У тўққиз ой давомида ўзингизни енгил ва бехавотир ҳис қилишингизда асқотади.

### *Ўзингизга қулайлик изланг*

Ҳомиладорлик пайтида ички кийим тўғрисида кўпроқ бош қотиришга тўғри келади. Она бўлишингизни билгандан сўнг ўнинчи ҳафтага ўттач кўкракларингиз катта-лашиб бораёттанини сезасиз. Вазнингиз ҳам оша бошлайди. Сизга кўкрагингизни маҳкам ушлаб турувчи сийнабанд керак бўлади. Эҳтимол сиз иплари ингичка моделни ёқтирасиз, аммо ундан вақтинчалик воз кечиб туришингизга тўғри келади, чунки энди сизга иплари энли сийнабанд қулайроқ. Ўзингизга фақат қулайлик изланг. Кўкрак тўла ёпилиши, қисилмаслиги, баландга кўтарилиб ёки пастта тушиб кетмаслиги керак. Кўтчилик аёллар узоқни кўзлаб, эмизишга қулай бўлгани учун олди тутмачали сийнабанд олишади. Аммо бундай қилиш унчалик ҳам

тұғри әмас. Чунки туққаннингиздан кейин күкрагингиз сутта түлиб, у сизга сирмай қолиши әхтимоли бор.

Сотиб олаётган ички кийимингиз пахта толасидан түқилған матодан тайёрланған бўлиши керак. У терни ўз ичига ютиб, тери ҳидланишининг, касалланишининг оддини олади.

Пастки ички кийимни ҳам каттароғидан олишингиз лозим бўлади. Фарзанд кутаёттганларга мўлжаллаб чиқарилған маҳсус трусикалар ҳам бор, улар қорнингизни ушлаб туради. Ҳомиладорлик даврингизда остки тарафдан суюқлик ажралади, шунинг учун трусикангизга ҳамиша тоза дока қўйиб юринг.

### *Махсус дўконлар томон*

Энг аввало лиboslarimizga мато танлаб оламиз. Шифокорларнинг пахтали матодан тикилған кийим танланг, деган тавсиясини сизга қайта-қайта таъкидлашдан чарчамаймиз. Бўлажак онанинг организми, айниқса, юрак ва ўтка икки баравар куч билан ишлайди, шунинг учун танлаган кийимингиз ўта қулай, иссиқ ҳам, совуқ ҳам бўлмаслиги керак. Қоғоз пахтали мато ҳам сизга тўғри келмайди. Унинг ўрнига табиий ипакдан тикилған енгил кўйлаклар, камзуллар фойдали бўлиш билан бирга сизни жуда чиройли қилиб кўрсатади. Оқ ва сут рангли сунъий ипак қўшилмаган лиboslarда ҳам кўтаринки кайфиятда юрасиз. Сифати худди шундай бўлган узун, кенг юбкалар ҳам сотиб олсангиз бўлади. Ва таркиби 100% пахтадан иборат жинсилардан танласангиз ҳам адашмайсиз.

Модел танлашга келсак, гинекологлар маслаҳатлариға амал қилиб, ушбу матолардан тикилған кийимларнинг ҳам тор, сиқиқ, қайишли, иплиларидан воз кечишингизга тўғри келади. Нафақат қорнингиз, балки оёқ, қўйл, кўкрак ва бутун аъзои баданингиз сиқилмаслиги лозим, акс ҳолда қон айланиш системасига жиддий

таъсир қилиши мүмкін. Кенг тарқалған моделдегі жинсидан тикилған комбінзон сизге жуда ҳам ярашади. Унинг тагидан футболка ёки свитерни кийиб олингда, үзингизни ҳамма да гүзәл ҳис қилиб, ортиқ ҳеч нарса түғрисида үйламанг. Аммо... у охирги ойларда бироз ноқулайлик туғдириши мүмкін, чунки бу даврда ҳожатта күпроқ чиқылади. Комбінзонни кийиб-ешиш қийинроқ бўлгани учун у ҳаммага ҳам ёқавермайди. Яхиси, үзингиз танланг, хоҳишингиз, кайфиятингизга қараб кийининг. Кенг сарафан ҳам сизга қулай ва ярашиб тушади. Ёзда енгил матолардан, қишда эса велвет, жун, жинси каби матолардан тикилганини танланг.

Кийимларни бўлажак оналар учун маҳсус магазинлардан сотиб олган маъқул, улар ҳар томонлама талабларга жавоб беради. Лекин бунга ҳар бир бўлажак она-нинг имконияти йўқ. Хўш, нима қилиш керак? Кўнглингиздагидек қилиб үзингиз тикиб олинг. Қўлимдан келмайди, дейсизми? Уриниб кўринг, ҳозир сизнинг бир кучингизга ўн куч қўшилган, қўлингиздан ҳамма нарса келади. Қишда жундан светер тўқиб олинг.

Асло узун палто харид қилманг, юришта қийналасиз. Иssiқ, жунли мато типидаги узунроқ куртка олинг. Кейинчалик ҳам кияверишингиз мүмкін, чунки у ўзгарганингизни сездирмайди. Дублёнка ёки палтога нисбатан чўзиувчан. Яна ҳар кимнинг үзига хос қомати, қоринчасининг шакли ва диidi бор. Кўнглингизга қаранг.

### **Ўзингизни асранг**

Энди ҳомиладорлар учун маҳсус кийимлар — бандаж ва калготкалар ҳақида тўхталамиз. Бу тўғридаги баҳслар ҳали якунини топгани йўқ: кимдир спорт билан шуғулланиш, овқатланиш тартибини йўлга қўйиш орқали вазнини сақлаш керак, деса, иккинчи бир тои-

фа бириңчи ойданоқ бандаж тақиши керак, деган фикр-ни илгари сурадилар. Буни даволовчи шифокорингиз ахволингизга қараб ҳал қиласы. Албатта, агар бола тушиши хавфи бўлса, бандаж тақиши керак.

Ҳомиладорлик даврида тонуслар тез-тез бўлиб турди. «Бу табиий ҳол, ўтиб кетади», деб ўиласангиз, хато қиласиз. Агар шифокорингиз тавсия қилган бўлса, махсус калготкаларни албатта кийинг, ўз веналарингизга ёрдам беринг.

### *Энг кераклиси*

24-ҳафтага келиб оёқларингизнинг томири шиша-ди ва улар чарчоқ сеза бошлайди. Ташқарида қиши бўлса, калта, паст товонли, замоксиз этик кийинг. Ёз бўлса, енгил, паст товонли, оёғингизга малол келмайдиган тапичка танланг. Айниқса, товон тўғрисида жиддий ёндошинг, бу гинекологингизнинг инжиқлиги эмас. Ҳомиладорлик пайти умуртқа поғонангизга одатдаги-дан ташқари кўпроқ юк тушади, агар сиз товони ба-ланд оёқ кийим кийсангиз, юк миқдори яна-да оша-ди. Умуртқа поғонаси билан боғлиқ жиддий касаллик орттириб олишингиз мумкин. Товон З см дан ошмас-лиги, кенг ва қулай бўлиши керак. Имкониятингиз тўғри келса, қимматроқ бўлса ҳам тоза теридан ти-килган, ҳаво ўтказадиган оёқ кийим танланг.

Пайпоқ харид қилишда ҳам унинг пахта толасидан тўқилганига эътибор беринг. Тўғри, улар тез йиртила-ди, лекин оёғингизни терлатмайди, соғлигинги учун фойдали. Сунъий толалардан тўқилган пайпоқдар то-мирингиз касалланишига сабаб бўлади. Пайпогингиз-нинг тозалигига алоҳида эътибор беринг.

Ўзингизга эҳтиёт бўлинг! Фарзанд кутиши бу касал-лик эмас, улкан масъулият ва чексиз бахтдир. Аввалги-дан ҳам кўра гўзал ва севимли бўлиб юринг!

## МЕНИНГ ОНАМ ОНАЛАРНИНГ ЭНГ ГҮЗАЛИ

Фарзандингизни эсон-омонгина қўлингизга одинингиз. Табиийки, энди бутун диққат-эътиборингиз янги меҳмонингизда. Бу яхши, албатта. Лекин бაъзи-баъзида қўлингизда таглик билан бўлса ҳам кўзгу ёнига келиб, ўз қиёфангизга назар ташлаб қўйишни ҳам унумтманг. Ёки кўзгудаги қиёфангиз ўзингизга ёқмаётганидан хунобмисиз? Буниси ҳам табиий ҳол. Бунга фақат уй кийими, пардозланмаган юз ёки турмакланмаган соч айбдор, деб ўйлаёттган бўлсангиз, адашасиз. Эътибор беринг, либосингиз остида нима гаплар?!

### *Қайдасан, чиройли қоматим*

Туғруқдан кейин қоматингиз сезиларли даражада ўзгариб кетган бўлиши мумкин. Энди шундайлигимча қолиб кетарканманда, дея ташвишга тушманг. Агар хоҳиш ва қунтингиз бўлса, албатта, туғруқдан один қандай бўлсангиз, худди ўша ҳолингизга қайтишга имконият бор.

Ҳаммасидан один келишиб олайлик, озиш учун кенг тарқалган рекламалардан фойдаланишга ҳаракат қиласиз. Баъзан улар ёрдамида вазнингиз бироз камайиши мүмкин, аммо бу кўпинча танангиздаги сув миқдорини камайтириш эвазига амалга оширилади. Ҳақиқий озиш эса танада ёғ миқдорининг енгиллашишидир. Тез орада вазнингиз яна ўз ҳолига қайта бошлиди, чўнталингиз озгани қолади, холос. Келинг, бир синаб кўрайлик-чи, болани қаровсиз қолдирмаган ҳолда ва оилавий бюджетта таъсир қилмай туриб бу борада ўзингиз ўзингизга бирор нима қила олармикинсиз?

### *Жисмоний тарбия*

Киришишдан один сизга қандай жисмоний ҳарачатлар мумкину, қайсилари мумкин эмаслиги тўғриси-

да гинекологингиз билан маслаҳатлашиб олинг, айниқса, бола операция йўли билан олинган бўлса. Туғруқ ҳаммада ҳар хил кечади, шунинг учун машғулотларга қанчалик эрта киришишингиз умумий аҳволингизга боғлиқ.

Ҳали туққанига кўп бўлмаган аёллар учун нафас йўли машқлари ва тортилиш машқлари фойдалидир. Улар сизга туғруқдан кейинги дипрессияни енгиб ўтишингизда ёрдам беради. Жисмоний ҳаракат кам қувватлиликни йўқотиб, бўғин касалликларидан ҳимоя қиласи. Ҳар қандай ҳолатда ҳам жисмоний фаоллик каби фойдали ҳимоячингиздан воз кечманг. Кўп юриш тананинг пастки тараф мускулларини ва бутун гавдангиз мускулларини мустаҳкамлайди.

Шундай экан, онажонлар, болангизни аравачасига солиб қўйиб уйингизнинг ёнида қўшнилар билан гап сотиб ўтиргандан кўра, аравачани етаклаб уйингиз яқинидаги спорт майдони ва истироҳат борини сайр қилиб келинг. Янада фаолроқ жисмоний ҳаракатларни эса шифокорингиз рухсат бергандан кейин бошланг. Яна айтиб қўяйлик, ойига 2-3 кг гача озиш мумкин, холос. Айниқса аёл организмига бирданига 10-15 кг озиш ҳақидаги гаплар тўғри келмайди. Бу юрак қон томирлари системаси учун хавфли ва терингиз ҳам салқиб, хунук бўлиб қолади.

Агар жуда яхши натижага эришишни истасангиз, камида уч-тўрт ой узлуксиз машғулотлар билан шуғуланишингизга тўғри келади. Ҳафтасига уч марта шуғуланинг, машғулотлар 45-60 дақиқа давом этиши керак. Аввал мускуллар қизиб олиши учун унчалик оғир бўлмаган машқлардан бошланг. Масалан, мусиқа остида шунчаки рақсга тушиш мумкин.

— Аёл туғруқдан кейин қоматини тиклаб олиши учун энг оддий ва энг самарали машқлар қўйидагилардан иборат:

Бўкса ва қорин мускуллари энг муаммоли жой бўлгани учун шулардан бошлаймиз.

1. Қўлларингизни икки тарафга ёзиб полга ўтиринг. Кейин қўлларингизни бошингизнинг орқа тарафига қўйиб, оддинга, орқага, ўнгга, чапга кетма-кет энгашинг. Бир бажаришда ҳар бир тарафга 50-100 мартадан энгашинг.

2. Осмонга қараб ётинг, қўлларингизни бошингизнинг орқа тарафига олиб боринг. Узатилган сёқларингизни бирбирига ёпишириб, пол устида қимирамаган ҳолда гавдандигизни кўтаринг. Бу машқни 25-50 марта қайтаринг.

3. Яна осмонга қараб ётинг, оёқларингизни бирлаштирган ҳолда тўғри қилиб тепага кўтаринг. Қўлларингиз оёқларингизга ёрдамга бормасин. Бу машқни ҳам 25-50 марта такрорланг.

### *Гўзал сийналар парвариши*

Энди кўкрак мускулларини мустаҳкамлаймиз.

1. Тиззаларни букиш. Бунинг учун сиз белингиз ва елкангизни бир тарафга йўналтирасиз. Кафтларингизни бирбирига ишқалайсиз. Кафтларингизнинг орқа тарафини бир-бирига теккизиб, ўзингиздан узоқлаштирасиз. Ўн марта тўрт хилдаги ана шундай машқларни бажарасиз.

2. Полга ётганча, қўлларингизни икки томонга узатасиз, сўнгра яна бирлаштирасиз. Машқни 10-15 марта бажарасиз.

Қорнингиз билан ётганча, қўл-оёқларингизни тепага кўтарасиз, шунда белингиз букилади. Кейин ўзингизни бўш қўйинг. Машқни 15-25 марта бажарасиз.

Ҳар бир машғулотни, албаттга, чуқур нафас олиб чиқариш билан якунланг. Машғулотдан сўнг илиқ душ

қабул қилишни унутманг, чўмилиб чиққач, сочиқ билан танангизни қаттиқ ишқалаб артинг, тортилган терининг қайта тикланишида ёрдам беради. Душ ва уқалашдан кейин энг нозик жойлар — бўкса ва қорнингизга терини озиқлантирувчи кремлардан суртинг.

Агар болани кўкрак сути билан озиқлантираётган бўлсангиз, жисмоний машқлар сутингизни камайтириши тўғрисида хавотирга тушишингизга асос йўқ. Лекин машқларнинг меъёридан ошиб кетиши натижасида сутингизда сут кислотаси кўпайиши ва у тахирроқ таъмга эга бўлиб қолиши мумкин. Айрим чақалоқларга бу ёқмайди. Бундай ҳолларда машғулотларни бироз камайтиришингизга тўғри келади.

### *Овқатланиш тартиби*

1. Оз-оздан кунига 5-6 марта овқатланинг.
2. Бир кунлик егуликларингиз калорияси ўртacha ҳисобда 1800 ккал атрофида бўлиши керак. Болангизни кўкрак сути билан озиқлантираётган бўлсангиз, яна 300-400 ккал қўшасиз. Сутли маҳсулотлар, гўшт, балиқ, сабзавот ва меваларни бола учун истеъмол қилинг.

Фақат калорияси паст овқатлар билан диета қилиш бола эмизувчи аёллар учун қатъий тақиқланади. Ҳатто сиз бола эмизаётган она бўлмасангиз ҳам, билиб қўйингки, бунақа диета гавдангизнинг юқори қисмини майдалаштириб юборади ва барибир қоматингиз гўзал бўлишида ёрдам бермайди. Албатта, ҳамиша жисмоний машқлар тўғрисида ўйлаб юриш, уларни ўз вақтида бажариб юришни таъминлаш унчалик осон иш эмас. Бироқ озгина сабр-тоқат топиб айттаниларимизни бажарсангиз, сиз энг гўзал қоматли хонимга айланасиз ва соғлигингизни ҳам мустаҳкамлаб оласиз. Текширувлар натижаси ҳам шуни кўрсатадики, соғлом турмуш тарзини бошдан кечираётган ва фаол ҳаракатда бўлган оналарда ўзига нисбатан ишонч ку-

чаяди, бу ҳар хил тушкунликларни бартараф этади, оила аъзоларингиз ва атрофдагилар билан бўлган муносабатларни яхшилади. Бола парваришида ҳам кўтаринки кайфиятнинг аҳамияти катта.

## ВИТАМИНЛАР АЛИФБОСИ

Инсон соғлиги ва гўзаллигига витаминларнинг ҳам аҳамияти катта. Биз ҳаммамиз витаминлар кўкатлар, сабзавотлар, мевалар, реза мевалар таркибида борлигини биламиш. Аммо шундай витаминлар ҳам борки, уларни ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотлар таркибида мавжуд бўлиб, бўлажак оналар учун жуда зарурдир.

### *А витамини — инфекцияларга қарши кураш*

Икки хил формада бўлади: ретинол ва каротин.

### *Қаердан топиш мумкин*

Балиқ мойи, печение, тухум, сут маҳсулотларидан ретинолни топиш мумкин. Булар организмнинг А витаминига бўлган талабининг учдан бир қисмини қондиради. Каротин эса ўсимлик ёғлари таркибида бўлади. Бундан ташқари, сабзи, помидор, кўкат ва сариқ рангли сабзавотлар, мевалар, реза меваларда ҳам мавжуд. Каротин ёғда яхши эрийди, шунинг учун бу маҳсулотларни ёғ, қаймоқ ёки сметана билан истеъмол қилган маъқул.

### *Унинг қиммати нимада*

— Кўриш органлари билан боғлиқ кўпгина касалликларни даволашда ёрдам беради.

— Иммунитет витамини деб аталади, чунки организмнинг инфекцияларга қарши курашиш қобилиятини оширади.

— Тери ва сочни гўзал, соғлом ҳолатда сақлайди.

— Бола бўйининг ўсишида ёрдам беради, суюкларни мустаҳкамлайди, тиш ва тиш милкларини соғломлаштиради.

- Қалқонсимон безлар фаолиятини яхшилади.
- А витамини етишмаслигидан қандай хавф бор
- Терининг қуриб, хунук бўлиб қолиши. Уқизаруб, арчилиб туша бошлиди.
- Организмнинг инфекцияларга қарши курашиш лаёқатининг пасайиб кетиши.
- Ретинол етишмаслиги оқибатида кўзларнинг қизаруб кетиши ва ачишиши кузатилади. Мабодо шифокор А витамини ичишни тавсия қиласа, қанча миқдорда ичишни ҳам ёзиб олишни унутманг, чунки меъеридан ортиқ ичиб юбориш ҳам хавфли. Агар юқорида санаб ўтилган маҳсулотларни доимий равишда истеъмол қилиб турсангиз, қўшимча А витамини ичишга ҳожат қолмайди.

### *Д витамини — суюклар мустаҳкамлиги*

*Д витамини* — калциферол, виостерол, эргостерол ва қуёш.

#### *Қаердан топиш мумкин*

Қуёш нури мойли моддалар билан биргаликда бу витаминнинг пайдо бўлиши ва тери орқали ичкарига сўрилишига ёрдам беради.

Калциферолга бой озуқалар таркибига балиқ мойи, сарда, селд, тунец балиқлари, сут ва сутли маҳсулотлар киради.

#### *У нимаси билан қимматли*

- Суюк ва тишларни мустаҳкамловни калий ва фосфор моддаларининг организмга сўрилишида ёрдам беради.
- А ва С витаминлари билан биргаликда қабул қилинса, шамоллаш касалликларида ҳам фойдаси бор.
- А витаминнинг ўзлаштирилишини таъминлайди.
- Кўз жилди, шиллиқ пардасининг ялиғланишини даволашда ёрдам беради.

#### *Д витамини етишмовчилигининг хавфи нимада*

- Рахитнинг тури түрнишлари.

— Тишлар емирилиши ва сүякларнинг юмшоқлашиши оқибатида бола сүякларининг номутаносиб ривожланиши.

Рахитнинг олдини олишнинг энг энг яхши иўли — кундузи сайр қилиш ва тент остида қуёшли ваннадир.

### **Е витамини — кислород демак**

Е витамини токоферолларнинг аралашувидан таркиб топган. Фаол антиоксидант.

### **Қаердан топиш мумкин**

Ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотлар орасида тухум Е витаминининг булоги ҳисобланади. Токоферол ўсимликлар таркибида ҳам бор, энг бойлари бугдой, ўсимлик ёги, соя, исмалоқ, баргли кўкатлар ва бошоқли ўсимликлардир. Агар овқатларингизда ана шулар билан биргаликда жонзотлар ёғларидан фойдаланилса, Е витамин организмга яхши сингади. Токоферол организмда қисқа вақт сақланади, шунинг учун ушбу маҳсулотлардан тайёрланган овқатларни ҳар куни истеъмол қилиш керак.

### **Е витамини нимага керак**

— Организмнинг кислород билан таъминланишини яхшилади.

— А витамини билан биргаликда ўпкани нотоза ҳаводан асрайди.

— Куйган ёки кесилган жойларнинг ўрни тезроқ ва чандиқсиз битишини таъминлайди.

• — Организм ҳужайраларининг чидамлилигини оширади.

### **Унинг тахчиллиги нимага олиб келади**

— Қон ҳужайраларининг бузилиши, камқонлик.

— Мушак толаларининг бўшашиши.

Ушбу витамин тахчиллигининг олдини олиш учун водоправоддан келадиган хлорли сув истеъмолини камайтиришинг.

## *К витамини — яшил баргли сабзавот*

**К витамини** — менадион. У ичакларда яшайдиган ҳаво бактерияларини пайдо қилиши мүмкін. Бактерияга қарши дори-дармонлар ишлатилиши оқибатида фойдалы бактериялар ҳам камайиб кетса, таркибида К витамини мавжуд бўлган нарсалар тавсия этилади.

### **Қаердан топиш мумкин**

Менадионга бой бўлган маҳсулотлар — яшил баргли сабзавотларнинг фақат янги узилганлари. Музлатилган маҳсулотларда К витамини ўлган бўлади. Бундан ташқари, йогурт, беда, тухум сарифи, соя, балиқ мойлари таркибида кўп бўлади.

### **К витаминининг қиммати нимада**

— Қон қуюлишини нормал ҳолатда сақлайди.

Унинг етишмаслиги нимага олиб келади

— К витамини тахчилиги оқибатида кучли ич кетиши мумкин. Бу антибиотикларни таваккал қабул қилиш оқибатида келиб чиқади.

### **F витамини — соғлом тери ва соchlар**

**F витамини** — тўйинмаган ёғли кислоталар. Бу истеъмолда ишлатиладиган ўсимлик ёғлари таркибидағи кислоталардир.

### **Қаердан топиш мумкин**

— Кўргина керакли ёғли кислоталар қуйидаги ўсимлик ёғлари таркибида бўлади: зигир, соя, кунгабоқар, ёнтоқ. Шунингдек, ёнтоқ, ерёнтоқ, писта, бодом ҳам F витаминига бой бўлади. Аммо буларнинг ҳаммасини очиқ идишларда сақлаш шарт, иссиқда F витамини бузилиб кетади.

### **Нимаси билан қимматли**

Тери ва соchlар соғломлигини асрайди. Кичкингойнинг бўйини ўстиради ва ўзинги хис қилишини яхшилайди. Ички секреция безларининг фаоллигига самарали таъсир қиласи, калцийнинг сўрилишини яхшилайди. Агар семириб кетаёттан бўлсангиз, F витаминига бой озукаларни кўпроқ истеъмол қилинг. Улар тўйин-

маган ёғларни күйдириб, ортиқча вазнлардан халос эта-  
ди.

### **Унинг тахчиллиги нималарга олиб келади**

Тўйинмаган ёғли кислоталар етишмаслигининг бош-  
ланғич белгилари, терида сариқ ёғли тангачалар пайдо  
бўлади, соchlар қуриб қолади ва мўртлашади. Агар унинг  
тахчиллиги ошибб кетса ҳар хил тошмалар тошади, ич  
кетишига мойиллик бошланади.

Агар болангизнинг онаси соғлом ва гўзал бўлишини  
ва шунингдек, болангиз ҳам болаларнинг энг ширини  
бўлишини истасангиз, албатта витамишли озуқалар ис-  
теъмолига эътибор беринг.

## МУНДАРИЖА

<b>Бахтли она бўлиш сирлари</b>	
<b>Она бўлишга тайёрмисиз</b>	
Бола, албатта, керак .....	4
Хоҳишларингизга қулоқ солинг .....	5
Сиз ким (нима)дан қўрқаяпсиз .....	6
Мўъжизалар мўъжизаси .....	6
<b>Бахтли лаҳзалар</b>	
Нўхат устида ухлаётган малика .....	7
Нишон тақиши шартмикин .....	9
Харид қилиш вақти келди .....	10
Буни яқинларингизга ўқиб беринг .....	11
<b>Руҳий тарбия</b>	
Янгича яшаш тарзи .....	12
Ҳомиладорлик — касаллик эмас .....	12
Паришонхотирлик .....	13
Бўлажак отанинг баҳти .....	13
Ўзингизга ишонинг .....	14
Янги ҳамсуҳбатлар .....	15
Муҳим мажбуриятлар .....	15
Ҳаракат — бу ҳаёт .....	15
Вазнингизга эътибор беринг .....	16
<b>Сени кўргим келаяпти, болажон</b>	
<b>Соғлом она бўлиш сирлари</b>	
<b>Турғуқни режалаштириш керак...ми</b>	
Табриклаймиз, ҳадемай она бўласиз (биринчи уч ойлик)..	25
Бу осойишталик даври (иккинчи уч ойлик) .....	26
Қандай анализлар топшириш керак .....	28
Ёқимли ва ҳаяжонли кунлар (охирги уч ойлик) .....	29
Тайёргарлик вақти келди .....	30
Узд; Ёрдамми ёки хавф .....	31
Ҳомиладорлик даврида жинсий алоқа мумкини .....	32
Токсикоз вақтида ёрдам .....	33
Тишлар емирилиб кетса .....	34
Йод тахчиллиги .....	36
Веналарингизни асранг .....	37
Уйда туғишга тўғри келиб қолса	

Бу ўта зарур .....	38
Жиҳозлаш ишлари .....	39
<b>Тери нозиклашган бўлса</b>	
Тез ёрдам .....	40
Тугруқдан кейин .....	40
Ўз уйингизда .....	41
<b>Гўзал она бўлиш сирлари</b>	
<b>Ҳомиладорликда ярашадиган либослар</b>	
Ўзингизга қулайлик изланг .....	44
Махсус дўконлар томон .....	45
Ўзингизни асранг .....	46
Энг кераклиси .....	47
<b>Менинг онам оналарнинг энг гўзали</b>	
Қайдасан, чиройли қоматим .....	48
Жисмоний тарбия .....	48
Гўзал сийналар парвариши .....	50
Овқатланиш тартиби .....	51
<b>Витаминалар алифбоси</b>	
А витамини—инфекцияларга қарши кураш .....	52
Д витамини—суяклар мустаҳкамлиги .....	53
Е витамини—кислород демак .....	54
К витамини—яшил баргли сабзавот .....	55
Ф витамини—соғлом тери ва сочлар .....	55

Илмий-оммабоп нашр

## ҲАДЕМАЙ ОНА БҮЛАСИЗ

*Күлланма*

*Тузувчи: Ойдиннисо Йұлдошева*

Мұхаррир	Дилрабо Мингбоеva
Бадий мұхаррир	Бахриддин Бозоров
Тех. мұхаррир	Елена Демченко
Мусаҳзиқ	Нилуфар Жабборова
Компьютерда сақиfalовчи	Ростислав Есауленко

**ИБ № 4143**

Босишига 14.02.2006 й. руҳсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоги 1, 875. Шартли босма тобоги 3,15.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 29

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлиар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент. Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60.